

Режа.

Кириш.

I. Шарқда илмий билимлар ва маорифнинг ривожланиши.

1.1 Маъмун академияси фаолияти.

1.2 Мадрасаларда диний ва дунёвий билимларнинг ўқитилиши.

II. Европа давлатларида илмий билимлар ва черковнинг ўрни.

2.1 Университетлар фаолияти.

2.2 Католик черковнинг дунёвий билимларга қарши кураши.

2.3 Рожер Бекон, Жордано Бруно, Николай Коперник фаолияти.

Хулоса.

Мавзунинг долзарблиги Бугунги кунда жаҳон ижтимоий иқтисодий ва сиёсий тараққиётида ғарб давлатларининг эришган ютуқларидан келиб чиқиб, ушбу тараққиётнинг илмий илдизлари ўрта асрларга бориб тақалишини инобатга олиб ҳамда шу даврларда шарқ халқларининг ҳам маданий ва маънавий соҳада эришган ютуқларини инкор этмаган ҳолда уларни илмий равишда тадқиқ этиш зарурияти бордир. Шунингдек бугунги кунда ғарб ва шарқ мамлакатларининг маориф соҳасидаги ютуқларининг ҳам тамал тоши ўрта асрларда университетлар орқали бошланганлигини тадқиқ этишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. XI-XVI асрларда шарқ ва ғарбда маориф тизимининг ривож масалаларини атрофлича ёритиб беришга қаратилган. Диссертацияда қўйилган мақсад ва вазифага мувофиқ қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш режалаштирилган.

Биринчидан Шарқда илмий билимлар ва маорифнинг ривожланиши моҳиятини очиб бериш.

Иккинчидан, тадқиқ этилаётган даврда Европа давлатларида илмий билимлар ривож, Католик черкови ва унинг илмий билимлар ривожига таъсирини таҳлил қилиш.

Мавзунинг тадқиқ қилганлик даражаси. Тадқиқотнинг назарий асосини Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари ва мавзуга доир билдирган фикр ҳамда нутқлари ташкил этади. XI-XVI асрларда шарқ ва ғарбда маориф ва илмий билимлар ривож масалалари мустақиллик даврига қадар махсус ўрганилмаган. Мустақилликдан кейин ҳозирги кунда тарихимизнинг турли даврларида маориф ва илмий билимлар ривож масалаларини ўзида акс эттирувчи китоблар ва мақолалар яратилмоқда. Минтақамизда мавжуд бўлган илмий академиялар, мадрасалар тарихи, уларда мавжуд бўлган ўзига хос таълим тизими, мадрасаларнинг илмий билимлар ривожигаги ўрни масалалари мустақиллик туфайли яратилаётган Ватан тарихига оид дарслик, ўқув қўлланмалар ва кўплаб илмий мақолаларда ёритилди. Мазкур адабиётларда минтақада мавжуд маориф тизими масалалари атрофлича таҳлил қилинган.

Шунингдек бевосита бизнинг мавзуимиз билан боғлиқ бўлган XI-XVI

асрларда шарқ ва ғарбда маориф ва илмий билимлар ривож масалаларини ўз ичига олган асарлар ҳам мустақилликдан сўнг кўплаб тарихчиларимиз томонидан яратила бошланди. Ушбу асарларда илмий академиялар ва уларнинг илмий билимлар ривожигаги ўрни, мадрасалар фаолияти, уларда диний ва дунёвий фанларнинг ўқитилиши ҳамда ғарбий Европада черков мактаблари, олий мактаблар, яъни университетлар фаолияти, католик черковининг илмий билимлар ривожига қарши кураши ёритишга ҳаракат қилганлар.

Тадқиқотларнинг тахмин ва тавсифи шундай гувоҳлик берадики, ватанимиз тарихшунослигида XI-XVI асрларда шарқ ва ғарбда маориф ва илмий билимлар ривож масалалари тўлиқ ўрганилмаган. Худди мана шу ҳол мавзунинг тарихий тадқиқот объекти сифатида танлаб олишга ундади ва шулардан келиб чиқиб, XI-XVI асрларда шарқ ва ғарбда маориф ва илмий билимлар ривож тадқиқот мавзуси қилиб белгилаб олинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, тадқиқот учун танлаб олинган мавзу, унинг таркибига кирган қатор муҳим муаммолар тўлиқ, яхлит ҳолда махсус тадқиқот қилинмаган. Шу боис тадқиқотда ана шу ҳолат ҳисобга олиниб, ҳозиргача яратилган мавжуд адабиётлар, мақолалар асосида тадқиқ этилаётган давр ичида XI-XVI асрларда шарқ ва ғарбда маориф ва илмий билимлар ривож махсус илмий таҳлил қилинмоқда. Мавзуга доир материаллар ҳам жамланган ҳолатда тадқиқ қилинмоқда.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқотда тадқиқ этилаётган муаммода XI-XVI асрларда шарқ ва ғарбда маориф ва илмий билимлар ривож даврининг юксак, янги талаблари ва мезонлари даражасида ёритишга ва таҳлил этишга ҳаракат қилинди. Айни вақтда мазкур тадқиқот ўқув предмети сифатида Ўзбекистон маориф тизими, унинг ижобий ҳамда салбий жиҳатларини ўрганиш бирмунча амалий аҳамиятга ҳам эгадур.

Тадқиқот икки бобдан иборат бўлиб, биринчи боб “Шарқда илмий билимлар ва маорифнинг ривожланиши” деб номланади. Ушбу боб қуйидаги параграфларни ўз ичига олади:

1.1 Маъмун академияси фаолияти.

1.2 Мадрасаларда диний ва дунёвий билиларнинг ўқитилиши.

Биринчи бобда Маъмун академияси ва унинг илмий билимлар ривожига ўрни, мадрасалар фаолияти, уларда диний ва дунёвий фанларнинг ўқитилиши ўрганилади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “Европа давлатларида илмий билимлар ва черковнинг ўрни” деб номланади. Мазкур боб қуйидаги параграфлардан иборат:

2.4 Университетлар фаолияти.

2.5 Католик черковнинг дунёвий билимларга қарши кураши.

2.6 Рожер Бекон, Жордано Бруно, Николай Коперник фаолияти.

Иккинчи бобда Ғарбий Европада черков мактаблари, олий мактаблар, яъни университетлар фаолияти, католик черковининг илмий билимлар ривожига қарши кураши, Рожер Бекон, Жордано Бруно, Николай Коперникнинг илмий билимлар ривожига ўрни ҳақида атрафлича фикр юритилади.

I. Шарқда илмий билимлар ва маорифнинг ривожланиши.

1.1 Маъмун академияси фаолияти.

Bashariyat tarixi shuni ko'rsatadiki, xalqlar va jamiyatlar hayotida sivilizatsiya va madaniyat rivoji hech qachon o'z-o'zidan va tasodifan paydo bo'lib qolmaydi.

Bu borada birinchi galda har qanday taraqqiyotning asosiy sharti bo'lgan ob'yektiv omil va holatlar mavjud bo'lishi lozim. Aynan ko'p yillar davomida to'planib vujudga keladigan qulay sharoit va vaziyat, shu zaminda unib-o'sgan iste'dodlar, turli sohalarda olib boriladigan chuqur izlanishlar tadrijiy rivojlanib, oxir-oqibatda mantiqiy natijalarga olib kelishi tabiiydir. Boshqacha aytganda, ijtimoiy va madaniy taraqqiyotning yuksak cho'qqilarini egallashga harakat qilib, shu maqsad sari intilib yashaydigan har qanday millat bu yo'lda davomli va mashaqqatli: o'ziga xos tarixiy rivojlanish bosqichlaridan albatta, o'tishi zarur. Shu nuqtai nazardan qaraganda, Ma'mun akademiyasining aynan sahovatli Xorazm zaminida paydo bo'lishini har tomonlama ob'yektiv qonuniy holat deb qabul qilishimizga to'liq asos bor. Tarix buni juda yaxshi biladi - bu betakror o'lkada juda qadim zamonlardan boshlab o'troq turmush tarzi, dehqonchilik va sug'orish tartibi, savdo va hunarmandchilik, madaniyat va ta'lim yuksak darajada rivoj topgani barchamizga ayon.

Xorazm vohasi insoniyatning qadimiy sivilizatsiya o'choqlari tizimida faxrli o'rinni egallaydi. Bu haqiqatni ilk va noyob yozma yodgorligimiz «Avesto» miloddan avvalgi va milodiy dastlabki asrlarga oid Yunon va Rim manbalari, shuningdek, Xitoy yilnomalari, o'rta asr arab, fors va turkiy tillardagi manbalar, qolaversa, vohada amalga oshirilgan ulkan arxeologik tadqiqotlar natijalari isbotlab turibdi.¹

Xorazm vohasi Amudaryoning Kaspiy dengiziga quyilgan O'zboy tarmog'idan tashqari asosiy tarmoqlari Orol dengiziga quyiladi.

¹. И.А.Каримов. "Илм-маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди". Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигида сўзлаган нуткидан.

Mintaqasida joylashgani tufayli buyuk daryo olib kelgan boy minerallar bilan to'yilgan serhosil tuprog'i bilan qadim zamonlardayoq dehqonchilik madaniyati yuksak darajada rivojlangan o'lkaga aylangan. Ammo Xorazm tuprog'ida dehqonchilik qilishning mashaqqatlari ko'p bo'lgan. Sizot (yer osti) suvining yaqinligi tabiiy sho'rlanish darajasining balandligi, Amu va uning tarmoqlari o'zanining tez-tez o'zgarib turishi, iqlimning keskin kontinentalligi qadimdanoq mintaqaning cho'llashib borishiga (aridizatsiya) moyilligi - bularning barchasi dehqonchilikning o'ta murakkab sharoitlarda yuksalganini ko'rsatadi. Xo'jalik faoliyatining bu qadar qiyinchilik bilan borishi Xorazm vohasida qadimgi zamonlardanoq hayotiy tajribalarga suyanish, tabiat hodisalarini o'rganish, ularning qonuniyatlarini aniqlash, nihoyat bular asosida aniq ilmiy va amaliy xulosalar chiqarishni zaruriyatga aylantirgan. Xorazm Ma'mun akademiyasi ming yilligi tantanalarida Prezident I.A.Karimov Xorazm dehqonlarini "yer ilmining haqiqiy akademiklar" deb yuksak baholaganlarida chin haqiqatni aytgan edilar. O'z, navbatida ajdodlarimizi mazkur bilimlarni jamiyatga tadbqiq etish orqali iqtisodiy, ijtimoiy- gumanitar ilmiy tafakkur uchun ham – zamin yaratganlar, Sug'orma dehqonchilik, yaylov va xonaki chorvachilik xo'jaligi usullarining yonma-yon hamda bir-birini taqozo etib rivojlanishi Xorazm vohasida ijtimoiy mehnat taqsimotini jadallashtirgan va barqaror xo'jalik-iqtisodiy taraqqiyotga xizmat qilgan. Bu esa o'z navbatida moddiy boyliklarni taqsimlasty jamiyatni boshqarish, siyosiy, ijtimoiy, madaniy va ma'naviy institutlarning, bir so'z bilan aytganda davlatchilik asoslarining vujudga kelishiga olib kelgan. Xorazm vohasida qadimiy urbanistik (shaharsozlik) va shaharchilik jarayonlari ham ayni shu tarixiy yuksalishning mevasi sifatida miloddan avvalgi 1000 yillikning ikkinchi choragida jadal suratlarda boshlangan edi.

Xorazm sharoitida avvalo iqlim (qishning qattiq sovuqligi, yozning jaziramalari), qolaversa, ko'chmanchi cho'l qabilalarining hamda chet el bosqinchiliklarining doimiy xavf solib turgan hujumlari qurilish texnologiyasida aniq fanlarga tayangan o'ziga xos usullarning paydo bo'lishiga va faqat shu vohaga xos an'anaga aylanishiga sabab bo'lgan. Bular o'nlab qadimiy mustahkam qal'alar, yuzlab qo'rg'onlarning zamonlar osha yetib kelgan xarobalarida yaqqol namoyon

bo'lib turadi.

Jahon madaniyatining noyob ma'naviy yodgorligi bo'lgan, odamzotni ezgulik va bunyodkorlikka da'vat etadigan «Avesto» kitobi bundan 2700 yil oldin mana shu diyorda yaralilgani, Sharq gavhari bo'lmish Xiva shahriga ham bundan 2500 yil avval aynan shu yerda poydevor solingani fikrni yaqqol tasdiqlaydi.

Qadimgi Xorazm taraqqiyoti har qanday tabiiy va ijtimoiy ofatlardan qat'i nazar uzluksiz va dinamik (tadrijiy) xususiyatga ega bo'lgani bu zaminda ilmiy tafakkur kurtaklarining erta uyg'ongani bilan bevosita bog'liq. Borliq, dunyo haqidagi tushunchalar majmui, tabiat va inson, inson va jamiyat munosabatlarini, falsafiy – axloqiy tamoyillarni o'z zamonini nuqtai-nazaridan misli ko'rilmagan darajaga ko'targan Mazda-Yasna zardo'shtiylik dinining asl vatani Xorazm tuprog'i ekani ham bejiz emas. Hozirga qadar ko'p jihatdan tub mohiyati mukammal o'rganib yetilmagan «Avesto» kitobini uzoq ajdodlarimizning yuksak tafakkuriga qo'yilgan haykal desak, mubolag'a emas. Zero, «Avesto» odamzot tarixida ilk bora inson va tabiatning uyg'un ekanini, ezgu borliqni avaylash, yaratuvchi mehnat bilan unga rivoj ravaq berish lozimligini, bu dunyoda oliy ne'mat Haqiqat ekanini, har qanday ezgulik tiriklikning asil dushmani yolg'ondan paydo bo'lishini o'qtirgan. Xorazm Ma'mun Akademiyasining maydonga kelishi aynan shu davrda bu mintaqada kuchli markazlashgan davlatchilik tizimining hukm surgani bilan uzviy bog'liqdir.

Xususan X asrning boshida parokanda va tarqoq Xorazm o'lkasini birlashtirib, qudratli davlat barpo etgan, o'zaro nizo va ziddiyatlarga barham berib, tinch va osoyishta hayot, hamjihatlik va bunyodkorlik muhitini qaror toptirgan Ma'mun xorazmshohlarning ma'rifatparvarlik siyosati mana shunday tom ma'noda noyob va nufuzli ilm-fan markazining maydonga kelishiga mustahkam zamin yaratgan, Ma'mun akademiyasi Xorazmda X asr oxiri XI asr boshlarida faoliyat ko'rsatgan ilmiy muhit ma'muniylar davlati tarixi bilan bevosita bog'liq. Siyosiy, iqtisodiy, harbiy qudratga erishgan xorazmshohlar davlati mamlakatni birlashtirish, unda tartib o'rnatish bo'yicha tadbirlarni boshlab yuborgan. Kun tartibida davlat ichki va tashqi siyosatini olib borishda mafkuraviy masalalarni hal qilish turgan. Ali ibn Ma'mun (995-1010) dono va zukko maslahatchilarga muhtoj bo'lgan. Uning baxtiga tog'asi

Abu Nasr ibn Iroq o'z davrining o'ta bilimdon olimi bo'lgan. 1004 yilning boshida ibn Iroq taklifi bilan Beruniy Gurganchga qaytib kelgan. Ma'mun saroyida ilm ahli uchun yaxshi sharoit yaratib berilgan. Bu ikki shaxs Yaqin va O'rta Sharqdagi ko'plab olimlar bilan shaxsiy yozishmada bo'lganlar. Ularning taklifi bilan Nishopur, Balx, Buxoro va hatto arab Iroqidan ko'plab olimlar Gurganchga kelishgan. Shu tariqa 1004 yildan boshiab Gurganchda «Dorul-Hikma va maorif nomini olgan muassasa to'la shakllangan. XVIII - XX asrga kelganda olimlar tomonidan ilmiy muassasa faoliyati to'liq o'rganib chiqilib. bu dargoh o'z davrining akademiyasi bo'lganligi isbotlangan va unga Ma'mun akademiyasi nomi berilgan.

Bundan ming yil avval Xorazm zaminida «Dorul -hikma» deb atalgan Xorazm Ma'mun Akademiyasining paydo bo'lishi bu ko'hna vohada necha-necha asrlar mobaynida kechgan buyuk tarixiy, iqtisodiy va madaniy jarayonlarning qonuniy hosilasi va natijasidir.¹

Xorazm Ma'mun Akademiyasi umumbashariy sivilizatsiya rivojidadagi o'rni va ahamiyati jihatidan qadimiy Afinadagi Platon akademiyasi, Misrdagi Aleksandriya kutubxonasi, Sharq olamida «Baytul-hikma» nomi bilan shuhrat qozongan Bag'dod akademiyasi kabi mashhur ilmiy markazlar bilan bir qatorda turib, Sharq musulmon Renessansi - Uyg'onish davrining yo'rqqin namoyoni sifatida tariximizning zarhal sahifalarini tashkil qiladi. Ma'muniylar Xorazmning ilmiy an'alarini davom ettirib, saroy qoshiga o'z davrining yirik allomalarini to'plashga muvaffaq bo'ldilar. Jumladan, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Ibn Iroq, Abu Sahl Masihiy, Abu Hayr Xammol, Abul Xayr Xasan ibn Bahrom, Xasan ibn Xoris Xorazmiy Hububiy, Abu Fazl Sahriy, Ahmad, ibn Muhammad Husayn Sahliy, Abu Abdulloh ibn Homid va boshqalar Gurganjdagi Xorazm Ma'mun akademiyasining faol a'zolari edilar.²

Xorazm Ma'mun akademiyasi olimlari ulkan ilmiy meros qoldirdilar. Fanning qomusiy ma'noda barcha sohalariga taalluqli bu ilmiy ma'naviy boyligimiz asrlar osha jahon ilm-fani ravnaqiga xizmat qilib kelmoqda.

¹ Норматов К, Холмуродов А. “Қайта тузилган илм даргоҳи” “Халқ сўзи”. 2006 йил 32-сон.

² “Академиялар тарихига бир назар”. “Антик дунё” илмий – услубий журнал. 2009 йил. 1- сон. 45-бет.

O'z tarkibida yuzdan ortiq mashhur allomalar, bir necha yuz shogirdlarni birlashtirgan, ulkan kutubxona, iste'dodli yoshlar uchun madrasa, tarjimon va xattotlar maktabi kabi tuzilmalar, ilmiy tadqiqot va izlanishlar olib borish uchun barcha zarur sharoitlarga ega bo'lgan Xorazm Ma'mun akademiyasi bugungi tushunchadagi Fanlar akademiyasi talablariga to'la javob beradi.

Xorazm Ma'mun akademiyasida Sharq va G'arbdagi ko'plab o'lkalardan kelgan, turli millat va dinga mansub bo'lgan olimlar faoliyat ko'rsatgan bo'lsa-da, uning negizini Abu Nasr ibn Iroq, Abu Rayhon Beruniy va Ibn Sino, Mahmud Xo'jandiy, Ahmad ibn Muhammad Xorazmiy va Ahmad ibn Hamid Naysaburiy kabi mana shu mmtaqada tug'ilib, kamol topgan yetuk allomalar tashkil etgan.

Har biri ulkan bir ilmiy maklab yaratgan bunday qomusiy iste'dod sohiblari umumbashariy tafakkur rivojiga ulkan hissa qo'shganlar.

Ayniqsa, Xorazm Ma'mun akademiyasining tashkilolchisi va rahbari bo'lgan Abu Rayxon Beruniyning hayoti va serqirra faoliyati har qanday insonni hayratga solishi muqarrar.

Bu ulug' vatandoshimiz matematika va astronomiya, geodeziya va farmakologiya, kimyo va botanika, geografiya va etnografiya, tarix va falsafa kabi fan sohalarida 150 dan ziyod asar yaratib, nafaqat o'z davri, balki bugungi yuksak texnologiyalar asri uchun ham g'oyatda qimmatli kashfiyotlarni amalga oshirganini barchamiz yaxshi bilamiz.

Shu bois ham jahonning mashhur olimlari tomonidan XI asr haqli ravishda «Beruniy asri» deb ta'riflanishi bejiz emas.

Yana bir buyuk ajdodimiz - Beruniyning ustoz, Xorazmning qadimiy poytaxti Kot shahrida tavallud topgan Abu Nasr ibn Iroq matematika va astronomiya sohasidagi tengsiz kashfiyotlari uchun «Ikkinchi Ptolomey» degan yuksak unvonga sazovor bo'lgan.¹

¹ Хайруллаев М. “Уйғониш даври ва шарқ мутафаккири”. Т., 1971 йил 36-бет

Xorazm Ma'mun akademiyasining tayanch usulalaridan bo'lish Sharq olamida "Shayxur-ra'is" ya'ni allomalarning allomasi deb e'tirof etilgan Abu Ali ibn Sinoning hayoti va ilmiy faoliyati haqida ham har qancha faxrlanib gapirsak arziydi.

Ulug' bobomizning boy merosi uning 400 dan ortiq ilmiy kashfiyotlari, ayniqsa, mashhur «Tib qonunlari» asari 500 yil davomida Yevropa universitetlarida asosiy darslik sifatida qo'llanilganligining o'zi ko'p narsani anglatadi. Bu fundamental - asar bugungi kunda ham dunyo tabobat ilmidagi o'ziga xos qomus bo'lib xizmat qilmoqda. Shunday mumtoz zotlar ro'yhatini yana uzoq davom ettirish mumkin.¹

Xorazm Ma'mun akademiyasining dovrug'ini olam uzra tarannum etgan o'nlab benazir allomalarning mo'tabar nomlari ilmiy fan osmonida bamisoli Galaktika bag'ridagi yulduzlardek to'hanuz yorqin nur sohib turibdi.

Xorazmshoh Ma'mun ibn Ma'mun (Ma'mun II) saroyidagi olimlar shuhrati uzoq o'lkalarga tarqalgan. Bu esa Mahmud G'aznaviyning g'ashiga tekkan. U uyushtirgan suiqasd natijasida 1017 yilning bahorida Ma'mun II o'ldirilgan va o'sha yilning o'zidayoq katta qirg'in va talon-tarojlar natijasida Xorazm Ma'mun akademiyasi faoliyati tugatilgan va bu yerdagi olimlarning ko'pchiligi G'aznaga majburan olib ketilgan.

Ushbu fan maskani nisbatan qisqa davr - 15 yil ifaoliyat ko'rsatganiga qaramasdan, o'zining yuksak nufuzi va ulkan salohiyati bilan nafaqat mintaqamiz, balki butun dunyoda ilm ma'rifat taraqqiyotiga beqiyos darajada ta'sir ko'rsatganini ko'p-ko'p misollarda ko'rish mumkin.

Ayniqsa, donishmand ajdodlarimizning qadimgi yunon, hind va xitoy, fors va arab xalqlarining ilmiy yutuqlarini chuqur o'rganib, insoniyatning tafakkur xazinasining yangi-yangi nazariy g'oya va amaliy kashfiyoilar bilan boyitganini jahon ilm ahli yaxshi biladi va yuksak qadrlaydi. «Dorul-hikma» allomalari

1 Хайруллаев М. "Уйғониш даври ва шарқ мутафаккири". Т., 1971 йил 37-бет

tomonidan yaratilgan bebaho boylikning lotin tili orqali Yevropa xalqlariga yetkazish uchun o'z davrida G'arb mamlakatlarida yuzlab tarjimonlar zahmat chekkani Xorazm Ma'mun akademiyasining o'sha olis o'rta asrlar sharoitida bugungi kunda ham g'oyat katta ahamiyatga ega bo'lgan turli sivilizatsiyalar o'rtasida muloqot va hamkorlik aloqalarini rivojlantirishga qanday salmoqli hissa qo'shganidan dalolat beradi.

Shu tariqa Xorazm Ma'mun akademiyasi olimlari Sharq va G'arb o'rtasida o'ziga xos ma'naviy, madaniy ko'priq, umuminsoniy madaniyat va qadriyatlar silsilasida uzviy bir halqa vazifasini ado etgan desak, hech qanday xato bo'lmaydi.

Xorazm Ma'mun akademiyasi olimlari ulkan ilmiy meros qoldirdilar. Fanning qomusiy ma'noda barcha sohalariga taalluqli bu ilmiy ma'naviy boyligimiz asrlar osha jahon ilm-fani ravnaqiga xizmat qilib kelmoqda. Xorazm Ma'mun akademiyasining ilmiy merosi asrlar osha o'z qadr-qimmatini yo'qotmay kelmoqda. Aksincha, bu ilmiy dargohda erishilgan yutuqlardan hozirga qadar fanning turli sohalarida faol foydalanilmoqda.

Xorazm Ma'mun akademiyasining beqiyos tarixiy ahamiyati 1997 yilda Xiva shahrining 2500 yilligi tantanalari minbaridan turib Prezidentimiz I.A.Karimov tomonidan yuksak baholangan va Xorazm zaminida Ma'mun akademiyasini qayta tiklash haqida tarixiy taklif o'rta qo'yilgan edi. Shu borada Vazirlar Mahkamasining 1997 yil 11 noyabr qarori qabul qilindi va Xorazmda zamonaviy asoslarda O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi mintaqaviy bo'limi sifatida Xorazm Ma'mun akademiyasi tiklandi. Bu ilmiy markazda tarix, etnologiya, filologiya, tuproqshunoslik, biologiya, ekologiya kabi mintaq uchun muhim sohalarida tadqiqot ishlari olib borilmoqda.

Xorazmda Ma'mun akademiyasining ulkan merosini izchil o'rganish, uning beqiyos ahamiyatini namoyon qilish, xalqimizga, ayniqsa, yosh avlodga yetib boradigan tadqiqotlar va ilmiy asarlarda aks ettirish o'ta dolzarb vazifa bo'lib turibdi.

Qolaversa, xalqaro YUNESKO tashkiloti ishtirokida 2006 yil 2 noyabr kuni Xiva shahrida Xorazm Ma'mun akademiyasi 1000 yilligiga bag'ishlab o'tkazilgan tantanalarda O'zbekiston Prezidenti I.Karimov tomonidan Xorazm Ma'mun akademiyasi tarixini uning ilmiy merosini maktab, litsey va kollejlarda hamda oliy

ta'lim tizimida o'qitish vazifasi o'rta qo'yildi va bu tadbir xalqimizning, ayniqsa yosh avlodning ma'naviy-ma'rifiy takomiliga xizmat qilganligi alohida ta'kidlandi.

Biz qadimiy tarix, boy ilmiy madaniy merosning, ulug' allomalarning vorislari bo'lganimizdan doimo faxrlanib yashaymiz. Shu bilan birga bunday vorisiylik tuyg'usu barchamizning zimmamizga ana shu ajdodlarga munosib bo'lishdek ulkan mas'uliyat yuklashini ham chuqur anglaymiz.

Hech shubhasiz, buyuk ajdodlarimiz merosiga tayangan holda, hozirgi zamon va taraqqiyotning yangi va yuksak cho'qqilarini egallashga intilishimiz, o'zimizning nimalarga, qanday ulkan ishlarga qodir ekanligimizni amalda namoyon etishimiz, barchamiz, avvalo navqiron avlodimiz uchim ham qarz, ham farz bo'lishi shart.

O'zligini anglagan xalqni esa hech qanday kuch yenga olmaydi va bunday xalq o'z oldiga qo'ygan ezgu maqsadlariga erishishi muqarrar. Yubiley arafasida akademiya zamonaviy jihozlar bilan ta'minlandi, bir necha tadqiqot-laboratoriyasida ishga tushirilgan xramotograf tuproq, suv va o'simliklarning fizik va kimyoviy xossalari o'rganish, ularning tarkibidagi mikro va makroelementlarini, masalan, pestisid, gerbitsit, boshqa zaharli moddalar miqdorini aniqlash imkonini beradi.

Bugungi kunda akademiya o'z eksperimental bazasiga ega bo'lib, undan Urganch Davlat Universiteti, Toshkent Tibbiyot akademiyasi. Toshkent Axborot texnologiyalari universitetining olim va talabalari ham unumli foydalanmoqda.

Dunyoning turli tadqiqot markazlari bilan o'zaro aloqalarning yo'lga qo'yilgani akademiya oldida turgan vazifalarini hal etishda muhim omil bo'lmoqda. Fransiyaning Sarbonna va Janubiy Koreyaning Kyonxi universitetlari bilan tarix, arxeologiya, etnografiya, biotexnologiyalar sohalari bo'yicha ilmiy aloqalar o'rnatilgan. Fransiya milliy kutubxonasi bilan qadimgi va noyob qo'lyozmalarni o'rganish borasida samarali hamkorlik qilinmoqda.

Xorazm Ma'mun akademiyasida 16 ming 600 nusxa kitob fondiga ega bo'lgan boy ilmiy kutubxona va zamonaviy axborot – resurs markazi faoliyat ko'rsatayotir. Bu yerda tashkil etilgan muzeyda kamyob eksponatlar va osori-atiqalar namoyish etilmoqda.

Mamlakatimizda ko'plab ulug' allomalarimiz, ko'hna shaharlarimizning yubileylari YUNESKO hamkorligida o'tkazib kelinmoqda. Ma'mun akademiyasining 1000 yilligi ham ushbu nufuzli xalqaro tashkilot ishtirokida o'tmoqda. Xalqimiz tafakkurining durdonasi bo'lgan moddiy va ma'naviy yodgorliklarimizni asrab-avaylash, ularni boyitish, kelgusi avlodlarga yetkazish borasidagi sa'y-harakatlar tufayli tariximizning yangi-yangi qirralari tadqiq etilmoqda.

1.2 Мадрасаларда диний ва дунёвий билиларнинг ўқитилиши.

Кишилик жамияти шаклланиб, илму урфонга юз тутилгандан бери инсон заковатининг махсули ҳар бир соҳада ўзини намоён қилган. Бу ҳол, айниқса инсоният дунёқарашининг шаклланишида, ўзлигини англашида улкан аҳамият касб этиб келганлигида ҳамда "Уйғониш даври" номини олган Марказий Осиё тамаддуни-цивилизацияси даврида илм-фан бениҳоя тарикқий этиб, маданият юксалганлигида кўринади.

Тарихда шундай воқеалар бўлганки, улар дунё тарихининг ўзгаришига, инсониятнинг ижтимоий, диний, маданий ва маърифий ривожланишига сабаб бўлган. Бу воқеаларнинг энг буюғи Қуръони каримнинг нозил бўлиши, ислом дини ва маданиятининг вужудга келиши эди. VII асрнинг биринчи ярмида рўй берган ушбу воқеа кейинчалик ўзга юртларда ҳам ижобий таъсир кўрсата бошлайди ва биринчи навбатда инсоният илмий тафаккурининг бениҳоя юксалишига асосий туртки беради.

Араб халифалигининг Ислом дини замирида Яқин ва Ўрта Шарқ, шимолий Африка, жануби-ғарбий Европа ҳудудларида юришлар олиб борилиш оқибатида ҳамда араб ва ушбу ҳудуд халқлари маданиятларининг аралашуви натижасида VII-X асрлар орасида Ислом маданияти юзага келади. Бу маданиятнинг пайдо бўлган ва такомиллашган аввалги даврлари ҳисобланган Уммавийлар сулоласи замонида истило этилган халқлар маданий мероси янги мафкура таъсирида ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда ижодий

жиҳатдан янгидан баҳоланиб такомилга етказилган эди. Янги дин ҳеч бир тазйиксиз муомилага киритилар, янги маданият эса истило этилган ҳудудлардаги халқларнинг миллим урф-одатларини камситилмаган ҳамда миллий сохибхтиёрлик ҳуқуқларини чегараланмаган ҳолда тадбиқ этилар эди. Шунинг учун ҳам Ўрта Шарқ, Марказий Осиё, Эрон, Кичик Осиё ва Кавказ орти ҳудудларида яшаб келаётган халқлар ўзларининг азалий урф-одатларини ҳозирга қадар асраб қолишга эршиганлар ҳамда кейинчалик халифаликдан ажралиб истиқлолиятга етишганлар.

Фатхиялар натижасида ислом динига кирган халқлар бу адолатли динни тез қабул қилдилар, унинг бошқа динлардан тубдан афзаллигини кўрдилар ва тушундилар. Шунинг учун ҳам ғайридин мунофиқлар томонидан қилинган исёну қўзғолонлар ва фитналар халқ, оммаси томонидан қўллаб-қуватланмас ва тезда бостирилар, бу эса, ислом динининг барча томонидан тан олинганлигининг далили эди. Ваҳоланки, фатхия даврида, масалан, Самаркандда нафақат зардуштий, балки насроний, будавий, монавий ва яҳудий динларн ҳам фаолият курсатганлиги маълумдир.

Абосийлар сулоласи даврларига келиб ислом маданияти ўзининг камолот авжига ва шукухига эришади. Бу даврдан бошлаб халифалик пойтахти бўлган Боғдод шаҳри икки асрдан зиёд вақт давомида исломий Шарқ илми ва маданиятининг асосий моддий ҳамда интеллектуал қуввати йиғилган марказига айланади. Хорун ар-Рашид, Маъмун ва бошқа аббосий халифаларнинг ташаббуслари ҳамда хомийликлари натижасида дунёдаги кўплаб илмий манбалар пойтахт Боғдодда йиғилар, таржима этилиб китобат этилар ва натижада ислом дунёсидаги энг иқтидорли илм ахллари бу ерга оқиб келар эдилар.

IX аср ўрталарига келиб халифаликда аббосийлар сулоласининг ин-қироzi бошлангани туфайли ташкил топган мустақил исломий ҳудудлар жумласига кирган Мовароуннаҳрда илму фан нихоятда ривожланади ҳамда «билимларнинг олтин даври» аталмиш даврнинг байроқбардори бўлган юртимизда фан ва маданият энг юқори чўққига эришади. Юртимиз илм

аҳлининг асосан IX-X ва XII асрларда жаҳон фани ва маданияти тарихида қўшган юксак хиссасининг аҳамияти ҳамда қиммати шундан ҳам иборатким, буюк алломаларимиз илмий, диний-фалсафий ва ахлоқий янги билимларни яратиш, кашф этиш воситасида илмий тадқиқотларга саъйи ҳаракатни бошлаб берган эдилар.¹

Шундай қилиб, айниқса, VII асрнинг иккинчи ярмида исломнинг фатҳия юришлари натижасида, қадимий маданият негизи бўлган юртимизда ислом динининг кириб келиши ва икки юрт халқлари билими, илми ва маданиятининг қўшулуви натижасида Марказий Осиёда инсоният тафаккури тарихида мисли кўрилмаган илму урфон ўчоги вужудга келади ҳамда такомиллаша боради.

Ислом дини ва маданияти хижрий йилнинг 22-санасида, яъни милодий 644 йилда Марказий Осиёнинг аввал Марв шаҳрига, кейин (ўша йиллардан бошлаб) юртимиз Мовароуннахрга ҳам кириб кела бошлаган.²

Фатх этувчилар юртимизга ислом дини билан бирга янги билимларни ҳам келтирган эдилар. VII аср ўрталари ва VIII асрлар бошларида бошланган бу жараён натижасида, IX-X асрларга келиб юртимиз хилма-хил билимларнинг, жумладан Қуръон тафсири, фикх, ҳадисшунослик, тавҳид-калом, ахлоқ, фалакиёт, хандаса ва тасаввуф каби асосий илмларнинг марказига айлана борди.

Илк ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда, жумладан, Марказий Осиё ҳудудида ижтимоий-иқтисодий ва маданий-сиёсий ривожланиш жараёни ўша давр Шарқида илмий тафаккурнинг юксак даражада кўтарилишига сабабчи бўлган ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турганлигини, яъни ўша давр мусулмон оламида нафақат диний, балки, умуман барча билимлар шаръий фикх ва каломий илоҳиётшуносликдан иборат эканлигини кўрамыз.

¹ Абдукодир Зоҳирий “Ўрта аср араб ва мусулмон маданияти” Т., 1993 йил 45 бет

² Комилхон Каттаев “Самарқанд мадрасалари ва илму фан ривож” Самарқанд 2003 й 5-б.

Умумий тарзда «Улум ул-ислом» (яъни исломий илмлар) аталган билимлар бу диннинг илк тарафдорлари томонидан ҳар қандай билимлардан юқори қўйилган ҳамда уларнинг барчасининг асосини Қуръон ташкил этади, деб ҳисоблаб келишган. Аммо бу билан табиий ва маърифий-ахлокий билимлар илк ислом даврларида кам олиб борилган, деб бўлмайди, албатта. Уларнинг юксак ривожига хали олдинда эди. Нихоят, X асрга келиб, бу билимлар ҳам ўзининг энг юқори чўққисига эришади. Бунда мадрасалар асосий омил сифатида майдонга чиқади.

Илк марта муқаддас заминимизда пайдо бўлган ва шаклланган мадрасалар ислом дини ва маданияти замирида кўплаб алломаларни жаҳонга тухфа қилдики, бу буюк инсонлар турли илмларнинг пешвоси, асосчилари сифатида доврў таратдилар. Чунончи, Имом ал-Бухорий, Имом ад-Дорамий, Имом ат-Термизийлар ҳадисшуносликда; Имом аз-Замахшарий ва Абу Наср Жавҳарий тафсир ва грамматикада; Имом ал-Мотуридий ва Имом Абулқосим ал-Ҳаким илми калом ва хикматда; Имом ар-Растуғфоний, Имом Абу Лайсий, Имом ан-Насафий, Имом Бурхониддин Марғиновий, алломаи Тафтазоний, Убайдулло ибн Масъуд фикхшуносликда; Ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, Мирзо Улугбек, Али Кушчи фалакиёт ва хандасада; Ал-Форобий, ал-Беруний қомусшуносликда; Яссавий, Гиждувоний, Кубравий, Накшбандий, Хожа Ахрори Вали, Махдуми Аъзами Дахбедийлар тасаввуфда; Ибн Сино ва Юсуфий тиббнётда; Навоий ва Бобур мирзолар шеърят ва тарих соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритиб, юртимиз шухратини дунёга ёйдилар.

Юқорида номлари зикр этилганлар соҳаларининг улў даражали соҳиблари, назариётчилари сифатида тан олиниб, уларнинг асарлари ҳозирга қадар асосий манба - дастурул амал бўлиб келмокда.

Мадрасаларда шаклланган илмлар ичида, айниқса фикх, ҳадис, калом, тафсир, фалсафа, тасаввуф тариқий таълимотлари каби билимлар кенг қулоч ёзган эди. Бу ишларнинг кенг ривожланишига, бир томондан илк мадрасаларнинг муқаддас юртимизда шаклланиши сабаб бўлса, иккинчи томондан эса, ҳадис илми имомларининг Имоми, буюк муҳаддис аллома Абу

Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, калом илмининг Имоми Абу Мансур ал-Мотуридий, фикҳ илмининг Имоми Бурхониддин Марғиноний, тафсир илмининг Имоми аз-Замахшарий ва тасаввуф тариқатларининг буюк намояндаларидан анчалари юртдошимиз бўлишгани ҳам эди. Бу зотлар яшаб ўтган даврни, юқорида айтганимиздек, бир овоздан “илмларнинг олтин даври” деб эътироф этишгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Шу тариқа, билимларнинг уйғониш даври маркази юртимиз Мовароуннахр бўлиб қолди.

Мадраса арабча "дараса" (ўқимок) сўзидан олинган бўлиб, таълимгоҳ маъноларини англатади ҳамда мактаб ва Мадраса мударрислари, давлат бошқаруви ходимлари - муфти, қози, аълам каби ижтимоий ва аниқ фанлар мутахассисларини тайёрлаб берувчи олий билимгоҳ ҳисобланади.

Яқин давргача собиқ Советлар Иттифоқи давлати ҳудудида олий мактаб XII асрда Гуржистонда пайдо бўлган, деган нотўғри фикр ҳукм сураб эди. Тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ан-Наршахий (899-959) ўзининг "Бухоро тарихи" китобида Бухородаги Форжак мадрасасининг 937 (милодий) йилда ёнғин туфайли вайрон бўлганлиги ҳақидаги маълумоти мадрасалар ҳақидаги илк хабар деб эътироф этилиб, бу дунёда илк олий мактабларнинг юртимизда пайдо бўлганлигига далил ҳисобланиб келган..¹

Аммо, бизнингча, Самарканддаги Работи Розийн мадрасаси яна ҳам қадимийроқ бўлиб, унда буюк Имомлар - Мотурмдий (944 й. ваф.) ва Абулқосим ал-Ҳаким (953й.ваф.) кабилар Муҳаммад ибн Фазл Балхийдан (319/931 йилда ваф.) таҳсил олишганлиги кўпгина манбаларда қайд этилган бўлса-да негадир илм аҳли назаридан четга қолиб келмокда. Шундай қилиб, Самарканддаги ушбу мадрасада Балхийнинг 931 йилдан олдин (яъни, вафот этганига қадар) фаолият курсатганлигини манбалар эътироф этишаётган экан, демак, манбаларда тилга олинган энг қадимий Мадраса - Работи Розийн мадрасаси бўлиб чиқади.

1. “Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат” мақолалар тўплами. Т., 1996 йил 18 бетлар

Шу тариқа, тарих сахлфаларида мадрасалар ҳақида бирма-бир маълумотлар пайдо бўла бошлайди. Илк мадрасалар туфисидаги ушбу маълумотлардан юз йил ўтиб, XI асрда Султон Махмуд Ғазнавий томонидан Хинд юриши натижасида туширган ўлжа эвазига жомеъ масжиди ва Мадраса қурилганлиги, ҳукумат идоралари томонидан қурилган Мадраса ҳақидаги биринчи маълумот эди. XII - XIII асрларга келибгина (яъни орадан 200-300 йиллар ўтгандан сўнг) Яқин Шарқ, ва Шимолий Африканинг Туркия, Сурия, Ироқ ва Миср каби юртларида мадрасапар пайдо бўла бошлаган.

Илму фаннинг “олтин даври” ҳисобланган ал-Бухорий, ал-Мотуридий ва ал-Марғинонийлар даврида маърифат даргохлари ҳисобланган мадрасаларнинг кўплиги жиҳатидан Самарқанд ислом оламида энг олдинги ўринда турса-да, Сомонийлар даврида 17 та мадрасагина манбалрда кайд этилган. Аммо, XIX аср иккинчи ярмида шаҳримиз Россия таркибига мажбуран қўшилганидан сўнг мадрасалар сони жуда камайиб кетади. Масалан, ўша аср охирида нисбатан мустақилроқ Бухорода 366 та, Хива хонлигида- 120 та, Қўқон хонлигида – 368 та Мадраса бўлгани холда, Россия таркибига киритилган Тошкентда – 17 та, Самарқандда – 19 та Мадраса қолган эди, холос. Ваҳоланки, манбаларнинг далолат беришларича, ўрта асрларда Самарқанднинг ҳар бир маҳалласида бир неча масжид, кўпгина катта куча ва гузарларида эса мадрасалар бўлган. Бу хол, айниқса, Сомоний, Темурий ва Аштархонийлар даврларига оид манбаларда кўзга яққол ташланади.¹

Маданият ўчоқларининг бу қадар кўплиги сабабларидан бири шундаки, ўша вақтларда бойроқ кишиларнинг ҳар бири савоб йўлида кичикроқ масжид ёки бошқа иншоотлар қуришган. Улуғроқ ва бадавлатроқлари (жумладан, ҳокимлар, қозилар ва йирик олимлар) эса шаҳарнинг ёш аҳли таълим олсин, деб ўз халол маблағларига мадрасалар тиклаганлар, жомеъ ва кўприклар қурганлар, ариқлар қаздирганлар. Бунга мисол қилиб Самарқанд ҳукмдори Амир Ялангтуш

1. “Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат” мақолалар тўплами. Т., 1996 йил 19 бетлар

Баҳодирнинг ўз маблағига қурдирган ва дунёга машҳур бўлган Шердор ва Тиллоқори мадрасаларини келтириш жоизким, ундан ибрат олган деярли ҳар бир сарой аёни ҳамда шаҳарнинг барча бадавлат кишилари кўплаб Мадраса, масжид, кўприк ва халқ манфаати йўлида турли иншоотларни қуриб, Худо йўлига садакаи жория этганлар. Негаки, аجدодларимиз эзгулик йўлида хотамтойлик кўрсатишни оддий мусулмончилик фазилатларидан, деб билишган ва садакаи жориядек улуғ савобдан юз ўгиришмаган, Шу боисдан бўлса керак, уларнинг номлари тарих саҳифаларида абадий қолгандир.

Ислом дини илм талаб қилишни ибодат даражасига кўтарган, хаттоки ихтиёрий ибодатдан илм талабни устун қўйган. Шунинг учун ҳам исломнинг илк чамонларида илм ўргатганларга ҳақ берилмаган. Илм ўргатиш - ибодат бўлиб, ибодат учун эса ҳақ олинмайди, дейилган. Турли илм ва ҳунарлар бўйича уч эҳтиёжга етарли кишиларни тайёрлаш ислом дини ва маданияти учун фарз этилгандир. Агар бу борада камчилик бўлса, жамиятнинг барча аъзолари учун Оллоҳ ҳузурида ўзларини масъул ҳисоблаган барча давлатмандлар мадраса, масжид, қудуқ кўприк, ҳаммом ва табобатхоналар каби жамоат учун, ёш авлод учун энг зарур масканлар қуришган ҳамда илм ва маданият ривожига туртки беришган.

Нсмис олими Зингфрид Хенка ўзининг «Араб қуёши ғарбга зиё сочади» номли йирик асарнинг «Мадрасага қатнаётган халқ» деган бобида ғарб аҳолисининг 95% саводсиз, Овруполик буюк қирол Карл қариган чоғида ўқиш ва ёзишни қийналиб урганаётган, хатто ибодатхоналарда қалам тутишни биладиганлар нодир бўлган IX-XII асрларда Ислом оламининг шаҳару қишлоқларидаги минглаб мадрасалар миллионлаб ўғил қизларни кутиб олаётгани, улар Ислом талабига асосан илмни қунт билан ўрганаётганини эътироф этган.

Билимлар юрги - Мовароуннахр мадрасаларида, жумладан, Улуғбек даври мадрасаларида билим олиш муддати 19-20 йилга мувофиқлаштирилган ўқув режаси асосида тузилган эди. Баъзи вақфномаларда кўра ўқув муддати 21 йилга узайтирилган ёки баъзан 8 йилгача қисқартирилган.

XIX асрга қадар деярли ўзгармай келган мадрасалардаги таълим жараёни уч бўлимдан иборат бўлган: Биринчиси “анди” (паст) бўлим дейилса, иккинчиси “авсат”(ўрта) бўлим номи билан юритилган. Учинчиси эса “аъло”(олий) бўлими аталиб, ушбу уч бўлимининг ҳар бирида керакли ўқув дастурлари соддадан мураккаб системасида ўқитила борилган (бундай тузилмани ҳозирги замон таълим тизимида жорий этилган мактаб, коллеж ва олийгоҳлар билан ёки бакалавру магистрант зиналари билан солиштиришимиз мумкин).

Мовароуннахр мадрасаларининг қуйи бўлимида “Мибодиул-қироат” (қироатни ўргатиш), тажвид каби енгил қўлланмалар ўргатилган. Ўрта бўлимда “Кофия” “Мухтасар”, “Шарҳи мулла”, олий бўлимида эса, “Мухтасар”нинг давоми, “Хидоя” ҳадисшунослик, ҳуқуқшунослик каби мукамал диний-ҳуқуқий қўлланмалар ўргатилган. Биринчи бўлим даврида, яъни 9-10 йил давомида форс ва араб тилларида қисқача мусулмон қонунлари, араб грамматикаси ўқитилган. Ушбу бўлимнинг биринчи йилида «Аввалиюл-илм», «Бидон», «Муғзи», «Излол» каби бирламчи дастурлар, иккинчи ва учинчи йилида «Зинжони», «Авомил», «Харакот», «Қайдони» ва «Мухтасарул-виқоя»нинг бошланиши ўқитилган. Туртинчи ва бешинчи йилларда «Кофия» ва «Мухтасарул-виқоя»нинг давоми ўргатилган. Олтинчи ва еттинчи йилларда «Шарҳи Мулло», Мулло Абдул Ғафур ва Мулло Асомиддинларнинг «Шаҳлари»ни, саккизинчи ва туккизинчи йилларда эса «Шамсия» ва махсус қўлланма ёрдамида «Суллами» китобининг тушунилиши ўргатилган. «Мантиқ» (логика) эса иккинчи ўқитилиш жараёнида ўргатилган, яъни: 1) қисқача «Шамсия» қўлланмаси; 2) тўла мазмунли «Суллами» (зинапоё) ўқитилиш жараёни. Бошқача қилиб айтганда, илм пағоналарида зинапоёда кўтарилгандек, аста-секин ўрта асрларда асосий илмлар ҳисобланган илоҳиёт ва ҳуқуқшунослик каби мукамал фанларни эгаллаш жараёни тушунилган.

Мадрасаларда ўрта бўлим арабчасига «авсат» аталиб, бу бўлимга 7-8 йил ажратилган. Бу давр Имом Умар ан-Насафийнинг «ал-Ақоиб» номли каломга оид асарини ўқитиш билан бошланган. Мантиққа оид кучли манбалар

Хаёлийнинг «Фавоиди бақоия» ҳамда Мулло Исомиддин, Мулло Абдулҳаким, Мулло Аҳмад, Мулло Қулахмадларнинг «Хошияи қутби» (ёки «Ас Саъдиятал-маал-қутби») асарлари ёрдамида ўргатилган. Айни вақтда аллома Тафтазонийнинг «Таҳзибул-мантиқ вал-калом», Ибн Хожибнинг «Ал-Кофия», садрул-шариаъ Убайдуллох ибн Масъуднинг «Мухтасарул-виқоя», Мавлоно Абдурахмони Жомийнинг «Фавоиди зиёия» (ёки «Шарҳи Мулло»), ал-Қазвиний-Дабираннинг «Рисолаи шамсия фи қавоиди мантиқия» каби асарлари кенг кўламда ўқитилган. XIX асрга келиб, Мухаммад Абулхайнинг калом ва мантиққа оид «Мулложалол» асари ҳам Ўрта Осиё мадрасаларида жуда машхур бўлган.

Мадрасада илм олишнинг паст ва ўрта поғоналаридан ўтилгач, ўқитиш жараёнининг охириги тўрт йили «олий» бўлимга ўқитилган. Бу бўлимда илоҳиёт ва ислом ҳуқуқшунослиги (фикҳ) каби фанларнинг энг мураккаб тармоқларидан таҳсил олинган. Ушбу даврда, асосан, Қуръон тафсири, калом, ҳадисшунослик ва Имом Аъзам (Ханафия) мазхабидаги асосий асарлардан Бурхониддин Маргинонийнинг «Хидоя», Имом Мухаммад Розийнинг «Тафсири Кабир», Имом Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий», Фақеҳ Масъуднинг «Салоти Масъуди» каби китоблари ўқитилган. Бу асарларнинг деярли барчаси араб тилида таълиф этилган бўлиб, форс тилида фалсафа ва тасаввуф соҳасида ёзилган илк асарлардан бири «Кашфул-махжуб ли арбобул-қулуб» (қисқача «Кашфул махжуб» аталган асар муаллифи 1071 йилда вафот этган Али ибн Усмон ал-Жуллобий ал-Хажвиридир) китоби ҳам мадрасалар таълимида катта аҳамият касб этиб келгандир.

Мадрасаларда ислом дини илмий йўналишлари таълими жараёни асрлар давомида қуйидаги дастур талабида амалга оширилган:

1. Тафсир йўналишида тан олинган олти буюк муфассир олимларнинг асарлари - Табарийнинг «Китабу жомеъул-баён фи тафсирул-Қуръан», Замахшарийнинг «Ал-Кашшоф ал-ҳақоқиқ ат-танзил», Розийнинг «Мифтоҳул-ғайб - Тафсири кабир», Қози Байзавийнинг «Анворул танзил ва асрорул-таъвил», икки Жалолиддинларнинг «Тафсири Жалолайн», Ибн ал-Арабийнинг «Футухотул-Маккиёт» - бу соҳадаги илғор йўналишлар сифатида дастурлаштирилган;

2. Фикҳ йўналишида: Имомлар - Абу Ханифа, Молик, Шофеъ, Ханбал, Абу Юсуф, Шайбоний, Марғиноний ва Абу Лайсийларнинг асарлари;
 3. Хадисда: Бухорий, Муслим, Довуд, Термизий, Нисоий, Ибн Можъ ва Дорамийларнинг тўпламлари;
 4. Каломда: Мотурдий, Ашъарий, Марвозий, Жуббоъий, Ғаззолий, Насафий ва Розий асарлари;
 5. Сарфу нахвда (араб грамматикаси): Сибавайх, Замахшарий, Ибн Хожиб, Жомий кабиларнинг шох асарлари асосий дастур сифатида тан олингандир.
- Бундай мураккаб ва айни пайтда жуда пишиқ дастур асосида тузилган мадрасавий таълим даврини сабру каноат билан мукаммал ўтаган илм толиби албатта ўз замонасининг етук олими бўлиб етишган.¹

Инсоният тарихида агар мужоҳада, яъни саъю ҳаракат, курашиш ва карама-каршилиқ бўлмаганида эди, дунеда таракқиёт ва ривожланш бўлмас эди. Худди шунингдек, инсон тафаккуридаги бахсу муноза лар, тортишувлар турли билимларнинг юзага кслишида амда такомиллашувиига туртки бўлди. Дунёдаги аксарият буюк илмий кашфиётлар ислом дини ва маданияти замирида очилди, деб айта олишимизга асос бор на буни барча ғарб мамлакатлари олимлари ҳеч бир муболағасиз езишганликларини юқорида куриб утдик. Турли даврларда илмларни ҳар хил турларга булганлар. Имом ал-Ғаззолий илмни иккига: шаръий-диний ва ғайри шаръий-диний бўлмаган билимларга бўлади ва яна ул зот Ҳақиқат илми категориясига: калом, фалсафа, тасаввуф ва таълимийлар (исмоилийлар) гуруҳини киритган.

Аксарият мужтахид имомлар илк ислом даврларида «Улум ул- ислом» (ислом илмлари) категориясига фикҳ, калом ва ҳадис ишларини киритганлар ва уларнинг асосини Қуръон ва суннат ташкил этишини ёзганлар.²

² Комилхон Каттаев “Самарқанд мадрасалари ва илму фан ривож” Самарқанд 2003 й 30-б.

2. Абдуқодир Зоҳирӣ “Ўрта аср араб ва мусулмон маданияти” Т., 1993 йил 47 б

Машхур файласуф донишманд Носириддин Тусий шундай деган: «Назарий билимлар хикмати уч қисмга бўлинади: аввал мобаъд-ат-табаи (ило-хиётшунослик) илмлари, иккинчи риезий илмлар (математика), учинчи табиий илмлар ўкитилади». Буюк донишманднинг бу сўзларидан, мадрасаларда назарий билимларни олишда ушбу уч йуналишга асосий урғу берилганлиги тушунилади. Марказий Осиё олимлари машгул бўлган илм турлари Улуми мудавана (илмлар тартиби) аталиб, куйидаги илмлардан иборат булган:

1. Илми абдон - инсон бадани ҳақидаги илм, қадимда бошланғич тиб илми шундай ҳам аталган.
2. Илми адаб - филология, у 12 та алоҳида илмлар мажмуининг умумий номидир: луғат сарф; иштиқоқ нахв баён; маъоний; аруз; қоя (фам-матика); расмулхат (хаттотлик); бадеъ; наср иншо этиш; таворих;
3. Илми адад - ҳисоб илми.
4. Илми адвор - муסיқа илми, муסיқа охангини қоғозга тушириш учун махсус шакл ва ишоралар билан фойдаланишни урганувчи илм.
5. Илми аруз - шеърят вазни назарияси ва қоидаларига дойр илм булиб, у илми мизон ҳам дейилади.
6. Илми ахлоқ, - инсон тарбияси мақсадида ҳуш атвор ва аъфолдан баҳс юритади, эстетика.
7. Илми ақлий - «Улуми исломия»нинг иккинчи қисми ҳисобланган Улуми ақлия» асосан, табиий илмлардан ташкил топган. Улар элементлар тузилиши на трансформациясини ўргатади ҳимда санок ва амалиёт йўллари орқали урганилади. Бу билимлар, бир ҳисобда, вақт утиши билан узғариб туради.
8. Илми бадеъ - шеър санъати ва донишни текшириш, бадиий санъатлар илми.
9. Илми баён - калима урнига бошқа сўзни ухшатиш, шеърятда суз ўнини.
10. Илми барин (мобаъд ат-табиат)- метафизика илми. Фаробий уни «илмул-илоҳий», яъни илоҳиётшунослик, деб атаса, Аристотел ўзининг «Метафизика» асарида табиатдан ташқарида турган нарсани урганувчи илм. дейди.
11. Илми баҳс-яъни, диалектика ва мантиқ тури.
12. Илми бунья (ёки бинья) - физиология.

13. Илми иншоъ - иншо ёзиш, ижод этиш илми.
14. Илми иштиқоқ - бир калимадан бошқа калима-суз ясаш усули
15. Илми ижтимо — социология.
16. Илми калом - эътиқод ва илоҳиётшунослик. теология. Бу илм нақлий масалаларни ақлий далиллар орқали исбот қилади
17. Илми кимё - ўрта асрларда схоластика илми; Иксир (шхсий номли мавҳум жавҳарни яратиб, мис ва темирдан олтин яратиш иуларини излаш билан машғул бўлардилар. Кейинги даврларда бу илм соф химияга айланади.
18. Илми кофия - араб грамматикасигй дойр илм.
19. Илми ладуни - Худо томонидан берилган илму дониш бўлиб бирор устоз ёки шахснинг ёрдамисиз ғайбдан эгаллаш'ан илмга айтилади.
20. Илми лисон - тилшунослик.
21. Илми луғат - луғатшунослик.
22. Илми манозир ва мароё (ёки илми шуоъ ҳам дейилади) - оптика.
23. Илми мантик, - логика.
24. Илми маодин (ёки Илми жамоdot деб ҳам аталади) – маъданшунослик, минералогия.
25. Илми маъоний - илми баён ва, умуман, сузнинг фасохату балоғатидан бахс юритали.
26. Илми масохат - геодезия.
27. Илми милохат - кемачилик, денгиччилик.
28. Илми муаммо - яширин масала ва рамзларни ечиш, шеърийатда рамз ва имо усулида берилган муаммоларни ечиш масалаларини ўрганувчи илм.
29. Илми мунозара - бахсу мунозара тўғрисидаги илм.
30. Илми мусалласот - тригонометрия.
31. Илми мусика- кушиқ. ва оханг санъати илми.
32. Илми мухосабат- дафтардорлик, бухгалтерия
33. Ними мухозирот латифагуйлик ҳамда хозиржавоблик.
34. Илми наботот - гиёхшунослик, ботаника.
35. Илми наср ва иншо - вазну кофияли ва казну кофиясиз асарлар ёзиш, ижод

килиш хакида илм.

36. Илми нафс - психология.

37. Илми наклий (ёки Илми манкул) - «Улуми исломия»нинг биринчи қисми хисобланган «Улуми наклия» - диний билимлар бўлиб, улар ахли сунна Имомлари томонидан тўрт мазхаб (Ханафия, Шофеъия, Моликия ва Ханбалия) замирила яратилган ҳамда «Адиллаи шаръия» (Шаръий далиллар) деб ҳам аталиб, ўз навбатида, у ҳам икки қисмга бўлингандир;

биринчиси - «Улуми зохирим» (Зохирий билим) аталиб, уни «Шариат» деб ҳам номлайдилар. Шариат хақидаги маълумотларни тафсир, калом, фикд, хадис хақидаги китоблар баён қилади. Иккинчиси - «Улуми ботиния» (Рухий билим) булиб, уни «Тасаввуф» деб юритадилар. Шариат ва тасаввуф хақидаги билимлар ўзгармасдир.

38. Илми нахв - синтаксис.

39. Илми нужум - юлдузшунослик, астрология, астрономия. Бошланғич даврди Қуёш системасидаги (фалакдаги) етти сайёра (сабаъи сайёр) ўрганилган:

аввал биринчи фалакда Қамар (Ой), иккинчи фалакда- Уторид (Меркурий), учинчи фалакда- Зухра (Венера), туртинчи фалакда- Шамс (Қуёш). бешинчи фалакда - Миррих (Марс), олтинчи фалакда- Муштарий (Юпитер), еттинчи фалакда - Зухра (Сатурн) сайёралари ўрганилган.

Таълим жараёнининг кейинги муракшб даврларида узок масофадаги юлдузлар кузатилган ва ўрганилган. Мовароуннахр худудида бу илм, айниқса,

Мирзо Улугбек номи билан узвий боғлқ бўлиб, аввалига унинг мадрасасида, сўнгра эса расадхонасида кенг кўламди олиб борилган. Унинг ршбарлигида тушлган «Зижи жадиди Курагонийнинг сайёраяар каталогида 1018та юлдуз ўрин олгандир.

40. Илми рамл -қум билан фол очиш, фолбинлик.

41. Илми расад - нужумга дойр бўлиб, расадхона куриш, секстант яшаш ва жадваларга дойр илм.

42. Илм расмулхат - хаттотлик илми. каллиграфия. Бу илмга IX-X аср «хатот» ва тилшуноси Ибн Муқла (858. Боғдод - 940, Бағдад) асос солган.

У «Хутути ситта» (Олти хат усули) аталган хати» услубини ихтиро этганким. унга фйидагилар киради;: сульс, насх, мухаккик, райхон, тавқеъ ва риқоъ Кейинчалик буларга таълиқ (настаълқ) хат санъати ҳам қўшилиб, «Етти қалам» услидаги хатототлик турлари пайдо бўлади. Араб алифбосига илк бор диакритик нуқталарни қўйган киши ҳам Ибн Муқладир. У аббосийлардан муқтадор, Қохир ва Розий халифалги даврида вазир лавозимида шилаб охири Розий фармами билан катл этилган

43. Илми риёзи - математика.

44. Илми сарф - морфология.

45. Илми сиёқ - кадимий ҳисоб илми бўлиб, махсус турли хил булган мол ва пул маблағлари ҳисоби билан машғул бўладн.

46. Илми табоқатул-арз - ершунослик, геология.

47. Илми табиий(ёки табиат) - табиатшупослик.

48. Илми тасаввуф - суфизм, суфийлик

49. Илми тафсир - Қуръон ва ҳадис оятлари шарҳи

50. Илми таъбир- туш таъбирини ўрганиш илми.

51. Илми таърих - тарихшунослик.

52. Илми таъвизот - тумор езиш. дам солиш илми.

53. Илми тахтитул-билод (ёки тахдидул-билод)- тонофафия.

54. Илми тиб - табобат, медицина.

55. Илми тилисм -хурофий тасаввур, фолбинлик.

56. Илми тир (ёки тирандози) - камон отиш ва ҳарбий илм.

57. Илми фароиз - мерос таксимооти бўйича шаръий ҳисоб илми бўлиб, фикхшуносликнинг алоҳида қисмидир.

58. Илми фикх, ва усул - ислам дини ва шаръи қонушшрига дойр илм
Ҳуқуқшунослик

59. Илми устурлоб - Қуёш ва юлдузлар баландлигини улчайдиган асбоб ҳақидаги илм бўлиб, нужумга киради.

60. Илми киёфа - шаклу шамоил туфисида илм.

61. Илми кироъат -Қуръон тиловат қилиш илми. «Етти қурро» (яъни, етти қори),

ёки «етти кироъат» номланган кироат усуллари таълим жараёнида ўргатилади ва уларнинг асосчилари «етти пир» аталиб, куйидаги Имомлардир:

- 1) Илк кироъат асосчиси Нофё Мадаий (Мадиналик);
- 2) иккинчи кироъат асосчиси Абдуллох ибн Касир Маккий (Маккалик);
- 3) учинчи кироъат асосчиси Абуамр Басрий;
- 4) тўртинчи кироъат соҳиби Ибн Омир Шомий;
- 5) бешинчи кироъат асосчиси Осими Куфий;
- 6) олтинчи кироъат Ҳамзаи Куфийдан боқий қолган;
- 7) еттинчи кироъат Қисой лақабли Али Куфийдан боқий қолган

Барча етти хил услубда айтиладиган кироъатни урганган ҳофиз «қорни мураттаб» (яъни, аниқ тартибга қирган қори) деб аталади. Бу даражага етиш учу бир неча йил таълим олишга келган. Кироъат қилаётган Куръон оягларндаги ҳар бир бўғин, ҳарфи алоҳида жаранглаши лозим. Баъзи ҳарфлар тил ортидаи, баъзилари аса ёнбошдан ёки тил ва тил орасидан чиқиши керак бўлган нисбатда мураккаб элементлардан иборатдир.

62. Илми қол - зоҳирий ва расмий Мадраса илмлари.
63. Илми ҳадис - нақлий билим, ҳадисшунослик
64. Илми ҳайъат - астрономия, космография.
65. Илми ҳайвонот - ҳайвоншунослик, зоология.
66. Илми хандаса - геометрия.
67. Илми ҳикмат - а) фалсафа илми; б) физика илми.
68. Илми ҳол - ботиний-руҳий илм, тасаввуф.
69. Илми ҳузури - ҳаёлий жисмларнинг суратини ақл орқали идрок этиш илми.
70. Илми ҳусули - зехнда сурат ҳосиласини идрок этиш илми.
71. Илми жабуру муқобала - алгебра.
72. Илми жарри асқол - механика.
73. Илмуляқин - воқеа ёки нарсанинг шакку гумонсиз билиб олиш моҳияти ҳақидаги илм.

Тан олиш керакки, фақат ислом дини ва маданияти замиридагмна ўнлаб турдаги (қарийб юга яқин) илм-фан тармоқларининг вужудга келиши тарихий

конуният бўлса керак ва бу илмларнинг аксарияти кўриб турганимиздек. дунёвий-табиий илмлардир.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, мадрасаларда диний-илоҳиёт фанлари билан бир қаторда табиий-ижтимоий фанларга айниқса ката эътибор берилган. Жумладан, тарих, адабиёт, жуғрофия, хандаса, риёзиёт, алжабр, тиббиёт, аруз, фалакиёт-хайъат, сарфу нахв, фикх, мантиқ сингари дунёвий билимлар бирламчи фанлардан ҳисобланган. Қорихона, далоилхона, мактабхона каби турли ўқитиш муассасаларидан фақатгина мадрасалардагина олий маълумот олиш ҳуқуқига эга бўлишган.

Мадрасаларнинг бошқарув тизими ҳам жуда ўринли ташкил этилган. Унда энг катта лавозимни садр эгалларди ва у ҳокиму подшоҳлар томонидан тайинланар эди. Садр ҳам, ўз навбатида иқтидорига қараб мударрисларни, мадрасада яшовчи мутавалли, фаррош, хўжалик ишларини юритувчи, китобдор, мукаррир, муъид, имом, мужовир, сартарош, ошпаз, ва қоровул кабиларни тайинлар ҳамда Мадраса даромадларига боғлиқ ишларни юритар эди.

Самарқанд ҳукмдори Ялангтуш Баходир давридан 1917 йилги Октябр тунтарилишига қадар Шердор ва Тиллоқори мадрасаларидан тушадиган вақф мулки даромадининг бир қисми Ялангтуш Баходирнинг пири Хожа Хошими Дахбедий (Махдуми Аъзамнинг набираси) авлодларига ҳамда бир хужрани эса Самарқанд мадрасаларининг садорати раҳбари Мир Абу Тохирхожа Садрнинг (1643-1645 йилларда Бухорода ҳукм сурган аштархоний сулоласи подшоҳи Нодирмухаммадхоннинг миракон уруғидан бўлган тоғаси) авлодларига бериб турилган. Мир Абу Тохирхожа Садр вафот этгач, Чокардизада дафн этилади. Ялангтуш Баходир томонидан Шердор ва Тиллоқори мадрасаларининг бир неча жойларида юқоридаги пирларига аталган қасидалар ёзилган.¹

Ялангтуш Баходир ўзи қурдирган Шердор мадрасасида пири Хожа Хошимга атаб тошга кошиний тарзда 24 мисрадан иборат ёзувли мармар лавҳа ўрнатади. XIX

¹ Комилхон Каттаев “Самарқанд мадрасалари ва илму фан ривожини” Самарқанд 2003 й 10-б.

асрнинг охирги чорагида рус колониал маъмурияти томонидан ушбу мармар лавха азалий жойидан олиниб, мадрасанинг бир бурчагида тўқилган деворга, ёзувларини девор томонга пинхон қилиб ғишт ўрнига ишлатиб юборишган эди. Ёзувли мармар лавха 1992 йилда топиб аниқланди, ўз ўрнига қайта ўрнатилди ҳамда ундаги назмий ёзувларни тиклаб, "Махдуми Аъзам ва Дахбед" китобида илк бор эълон эттирди. Ўша давр вилоят мадрасалари садорати рахбари Мир Абу Тохирхожа Садр авлодига ҳам Тиллакори мадрасасидан бир хужра вақф мулки этиб белгиланди. Мир Абу Тохирхожа Садр авлодидан бўлган Мухтарамхон Қози Зикриёхожа кизи 1917 йилда 11 ёшлик вақтида ушбу меросий вақфдан олган эди ва охирги "вақфи авлод" олган ҳам шу киши бўлиб, кейин советлар даврида бу шаръий ишни бекор қилишади.

Мадрасаларнинг таъминоти учун давлат ҳамда бадавлат одамлар томонидан кўплаб ер-сувлар, боғу-дўконлар каби мулклар вақф қилинган эди. Масалан, Улуғбек мадрасаси таъминоти учун Мирзой карвонсаройи, Мирзой ариғи ва Мирзой кўпригидан тушган фойдалар ишлатилган. Вақти-вақти билан ҳукмрон сулолалар ўзгариши натижасида ҳамда урушу вайронагарчиликлар оқибатида вақф ўз кучини вақтинча йўқотса-да, аммо янги сулола ҳукмдорлари ўзларининг энг биринчи маърифий ишларини Мадраса, масжид ва хонақоҳларнинг вақф мулкларини қайта тиклашдан бошлашган. Бунга мисол қилиб, Улуғбек мадрасига манғитлар сулоласи давридаги нуфузли сарой аъёни Мухаммад Давлатбий иноқ томонидан Самарканд шаҳридаги ўзининг юздан зиёд дўкону саройларини вақф этганини таъкидлаш мумкин. Мадраса маблағсиз қолиб вайронага айланмаслиги ҳамда мударрис ва талабалар ҳам моянасиз қолиб, илму фанга зарар етмаслиги энг асосий вазифалардан эди. Вақф мулкидан тушадиган даромадларни махсус таъминотчи олиб борган. Қуйида Улуғбек ва Давлатбек Кушбеги мадрасаларида вақф мулклари тақсимоли қандай тақсимланганлигини кўриб ўтамыз.

Биринчи мадрасада вақфдан келадиган фойда энг аввало бинонинг таъмири учун ишлатилган. Қолгани 20 қисмга бўлиниб, бир қисми мутаваллига, тўрт

қисми тўрт мударрисга (хар бирига бир қисмдан), бир қисмдан имом, муаззин ва қоровулга берилган. Вақф фойдасининг қолган барча 12 қисми талабаларга мояна (стипендия) сифатида берилган. Иккинчи мадрасада эса вақф фойдаси 21 қисмга бўлинган. Ундан икки қисми мутаваллига, қолган 19 қисми эса қуйидаги тарзда бўлинган; 4 қисми мударрисга, 9 қисми 9 та хужрада турувчи талабаларга, бир қисми Давлатбек Қушбегининг шу ерда қўмилган ўғлининг қабрига қараб турувчи қабристон гурковига, 4 қисми тўрт кори-хофизларга, бир қисми эса қоровул ва сартарошга тенг бўлиб берилган. Вақфномаларнинг бундай қонуний-одилона таксимотини ҳеч бир шахс бузишга журъат этмаган, талабалар ва Мадраса ҳақини беҳуда сарфланишига, талон-тарож этилишига йўл қўйилмаган. Ўзини мусулмон деб билганлар Худо ва жамият олдидаги жавобгарликдан қаттиқ қўрқишган.

Мустақиллигимизгача бўлган тузум вақтидаги матбуотларда қадимий даврлардаги мадрасаларни ёмонлаб, - “мударрис ва муллабаччалар бир неча танга пулгина маош олишар эди”,- деб ёзишар эдилар. Агар тарихга ҳақиқат назари билан карасак, бу – “бир неча танга пулларнинг” қуймаси олтин умушдан бўлган ва унинг бир олтин тангасига бир неча қўй ёки мол беришганлигини кўрамыз.¹

XIX асрга келиб Мадраса хужраларида яшовчи муллабаччалар ўқув босқичлари (курсларига) қараб маош (стипендия) олишган: юқори босқичларда уқувчилар йилига 120 тангадан (ёки йилига 45 тангаю 60 ман буғдой), ўрта бўлимдагилар 84 тангадан (35 тангаю 45 ман буғдой) ва паст бўлимдагилар эса 60 тангадан (25 тангаю 30 ман буғдой) маош олишган. Шу билан бирга, уқувчилар олдига жуда катта ибратомуз талаблар қўйилган. Агар паст бўлимдаги ўқувчи 7 йил давомида ўрта ўқув даражасига етмаса ва ўрта бўлим ўқувчиси 7 йил давомида юқори (олий) бўлим даражасига етмаса ёки олий бўлим ўқувчиси шу давр давомида мударрислик даражасига етмаса, уни

1 Сулаймонова Ф. “Шарқ ва Ғарб” Т., 1997 йил 203–бет

маошдан ва хужралардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилар эдилар. Ўқувчи бир ой давомида узрли сабабсиз дарсларга қатнашмаган бўлса, Мадраса хужраларидан маҳрум этилар эди. Агар шундан кейин ҳам бир ҳафта дарсда кўринмаса, вақф назоратчиси унинг маошини камайтириш ҳуқуқига эга бўларди. Демак, мадрасаларда, ҳозиргидек, лоқайдликка умуман ўрин берилмаган, ошна-оғайничилик ҳамда илмнинг сотиб олиниши ёки сотилишига буткул йўл қўйилмаган. Ўрта асрларда илму фан ривожининг асосий сабаби ҳам айнан шу омилда бўлса керак.

Аммо, гуруч курмаксиз бўлмайди деганларидек, айникса тарихимизнинг кейинги давларида илму фанга эътибор сусайди. Шу ерда «Салоти Масъуди» асарида келтирилган буюк Шайхул-Имом Абу Мансури ал-Мотуридийнинг ушбу ибратомиз сўзлари ёдга келади: «Чаҳор чизро дар ин олам талбидам, наёфтам. Аввал - олими бе таъма; дуом - ёри мувофиқ; сейюм - намози бе риё; чоҳорум - луқмаи ҳалол». Таржимаси: «Бу оламда тўрт нарсани изладим, аммо топа олмадим. Биринчиси -таъмасиз олимни; иккинчиси — мувофиқ ёру дўстни; учинчиси - риёсиз ибодатни; туртинчиси - ҳалол луқмани», деган эканлар. Кейинги даврларда илму фан тараккиёти сусайишининг асосий сабаби ҳам шундадир, балким.

Шундай қилиб, илмлар юрти - Марказий Осиё, жумладан Мовароуннахр ҳудудида IX-X асрлардан XII аср охирларига қадар дунёвий-диний билимларнинг ривожини, бир ҳисобда, ўша вақтларда бутун ислом оламида ҳукм сурган хилма-хил қарашларнинг вужудга келганлиги сабабли юзага келган мунозара-тортишувлар натижасининг ҳосиласидир, деса бўлади. Дарҳақиқат, қаққоний мунозараларда илм-фан ривожланади, деганлари тўғридир.

XIII аср биринчи чорагида юз берган Чингизхон босқини илм-фан ривожланишини деярли тўхтатди. XIV аср охирларидан бошлаб эса соҳибқирон Амир Темурнинг саъи ҳаракати натижасида марказлашган давлат қурилгач, айникса дунёвий билимларга бўлган эҳтиёж туфайли илм-фан қайтадан ривожлана боради. Охириги темурийлар даврида, асосан Ҳазрати Хожа Ахрорнинг хизматлари туфайли (дунёвий билимларга нисбатан) тасаввуфий

билимлар биринчи даражага чиқиб олади. Натижада Самарканд яна илм марказига, энди, рухий - тасаввуфий билим марказига айланади. Шайбонийлар, аштархонийлар ва манғитлар даврида мадрасалар қурилишига катта эътибор беришган бўлсалар-да, илм-фан аввалги каби ривожланмади.

II. Европа давларида илмий билимлар ва черковнинг ўрни.

2.1. Университетлар фалолияти.

Ўрта аср даврида уч хил мактаб бор эди. Черков ва монастирлар ҳузурида ташкил этилган қуйи мактаблар элементар саводли диндор шахслар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Бу мактабларда латин тилини (католикларнинг тоат-ибодат қилиши шу тилда олиб борилган) ўрганишга, ибодат қилиш ва дуолар ўқиш тартибларини ўрганишга асосий эътибор берилар эди. Кўпроқ епископлик кафедралари ҳузурида вужудга келган ўрта мактабда етти «эркин санъат»ни (грамматика, риторика, диалектика ёки логика, арифметика, геометрия, география, астрономия ва музыка ҳам шунга кирарди) ўрганиш тажриба қилинарди. Биринчи уч фан тривиум, сўнгги турттаси - квадравиум деб аталган. Кейинроқ «эркин санъат»ни олий мактабда ўрганила бошлаган, унда бу фанлар кичик (артистик) факультетдаги ўқитишнинг мазмунини ташкил этган. Олий мактаб дастлабки вақтда (*Studia generalia*) «умумий фанлар» деб аталган, кейин, бу номни бошқаси - университетлар деган ном суриб чиқарган.

Биринчи университетлар XII асрда бир қисми теология ва фалсафа соҳасида энг йирик профессорлари бўлган епископ мактабларидан, бир қисми хусусий муаллимларнинг - фалсафа, ҳуқуқ (Рим ҳуқуқи) ва медицина мутахассисларининг бирлашмаларидан келиб чиққан. Европада энг қадимий университет Париж университети бўлиб, у XII асрнинг биринчи ярмидаёқ «эркин мактаб» сифатида машғулоти олиб борган. Париж университети XII асрнинг иккинчи ярмида ва XIII аср бошларида узил-кесил расмийлашган (Филипп II Август 1200 йилда Сорбонна мулклари тўғрисидаги ёрлиғи билан

таъсис этган). Аммо Италиянинг олий мактаблари - Рим ҳуқукига ихтисослашган Болоня юридик мактаби ва Салер медицина мактаби анча илгари, XI асрдаёқ университетларнинг марказлари ролини ўйнай бошлаганлар. Европадаги бошқа университетлар асос қилиб олган. Чунки католикларда ҳудода топиниш фақат латин тилида олиб бориларди.

Париж университети тўртта факультетдан: артистик, медицина, юридик ва теология (диний руҳда фалсафа ўқитиш ҳам бунга қиради) факультетларидан иборат бўлган.¹

XII асрнинг ўрталарида Англия ва Франция қироллари ўзаро низолашиб қолар ва англиялик талабалар Париж университетида ўзларига ёмон муносабатда бўлмокдалар деб ҳисоблаб, 1168 йилда Англиядаги Оксфордга кўчиб кетадилар. Натижада машҳур Оксфорд университети вужудга келади. Кембридж университети эса талабаларнинг ғалаёни ва уларнинг 1209 йилда Оксфорддан Кембриджга кўчиб кетишлари туфайли вужудга келган.²

Испаниядаги Саламанк ва Италиядаги Неапол университетлари Европадаги энг қадимий университетлар эди. XIV асрда Марказий Европада - Прага, Краков, Гейделберг, Эрфурт ва Кёльн шаҳарларидаги университетлар барпо этилди. XV асрда университетлар сони тез кўпайди. 1500 йилда бутун Европада 65 та университет бор эди.

Ўрта аср университетларида дарс латин тилида олиб бориларди. Университетда дарс беришнинг асосий методи профессорлар лекцияси эди. Илмий алоқа қилишнинг тарқалган формаси илмий тортишув ёки очик мунозаралар бўлиб, бундай илмий тортишув ва очик мунозаралар вақти-вақти билан теология-фалсафий темаларда бўларди. Илмий тортишувларда асосан университетларнинг профессорлари қатнашардилар. Лекин схолалар (студентлар) учун ҳам шундай илмий тортишувлар ўтказиб туриларди

1. В. Ф. Семёнов “Ўрта асрлар тарихи” Т., 1973 йил. 376 б

2. “Ғарб Фалсафаси” Тошкент, “Шарқ” 2004 йил. 256 бет

Ўрта аср университети фани схоластика (schola сузидан) деб аталарди. Схоластика ўрта асрнинг асосий фани ҳисобланган теологияда ўзининг энг ёрқин ифодасини топган эди. Схоластиканинг асосий хусусияти бирор-бирлиги нарсани кашф этиш эмас, балки христиан динининг мазмунини тушунтириш ва уни бир системага солишдангина иборат эди. Христиан таълимотининг асосий манбалари бўлган муқаддас ёзув ва муқаддас ривоятга таянган схоластлар қадимий файласуфлардан, асосан Аристотелдан тегишли ўринларни далил қилиб келтириб, ўз фикрларини исботлашга ҳаракат қилардилар. Ўрта аср таълимоти Аристотелдан турли хил мураккаб мулоҳаза юритиш ва ҳулоса чиқариш тарзида мантикий баён қилиш формасини қабул қилиб олди. Ўрта аср олимлари теология-фалсафий масалалар билан шуғулланган пайтларидагина эмас, балки табиатни ўрганган пайтларида ҳам шахсий обрў-эътибор ғоят катта роль ўйнаган, лекин амалий тажриба кичик миқёс касб этган эди. Масалан, ўрта аср замонларида география соҳасида Аристотелнинг ва бошқа қадимий авторларнинг орбу-эътибори бегумон бўлиб, унинг тўғрилигига ҳеч ким шак-шубҳа қилолмасди. Медицинада бир қанча бидъат-хурофотлар мавжуд бўлиб, бу бидъат хурофотлар асрлар бўйича мустаҳкам сақланиб келди, чунки Ўрта асрлар даврида Сивисекция сингари зарурий эксперимент деярли ўтказилмасди ва мурдалар анатомияси бўйича мунтазам иш олиб борилмасди. Анатомиёга доир баъзи бир билимлар кўпроқ араб медицина китобларидан олинган эди. Ўрта асрлар давригача етиб келган врачлик ишларига доир бир неча қадимий трактатлар сингари, арабларнинг бу китоблари ҳам Европада шак-шубҳасиз обрў-эътибор қозонган эди.

Европанинг кўп мамлакатларига ёйилган илмин ҳаракат, яъни илк даврдаги схоластика ўз тараққиётида муайян ижобий натижага эга бўлди. Аввало схоластлар узоққа чўзилган танаффуздан кейин антик меросни ўрганишни (антик маданиятнинг баъзи вакиллари чунончи, Аристотель каби машҳур кишилар) янгидан бошлаб юбордилар. Сўнгра, схоластлар XII-XIII асрларда билишнинг баъзи бир энг муҳим муаммоларини ишлаб чиқдилар. XI-XII асрларда Европада- универсаллар, яъни умумий тушунчалар

табиат тўғрисида қизғин баҳс давом қилди, Схоластларнинг баъзилари, яъни номиналистлар, умумий тушунчалар деган гап буткул йўқ, балки сўзлар, ном демакдир, деб фараз қилардилар. Бошқалари, уларнинг рақиблари бўлмиш реалистлар, аксинча, умумий тушунчалар ҳақиқатда мавжуд бўлиб, улар хусусий предметлардан қатъи назар, идеалистик қарашларни очикдан-очик ривожлантирадилар. Номиналистларнинг реалистлар билан олиб борган мунозараси идеалистларнинг (Платон ва унинг мактаби) қадимий фалсафадаги материалистлар (Демокрит, Эпикур, Лукреций ва ҳ.к.) билан эски мунозараларини қайтадан тиклади ва янги замонда эса материалистларнинг идеалистлари билан олиб борган бундан кейинги курашини тайёрлади. Ниҳоят, схоластларнинг кўплари универсал олимлар бўлиб, улар ўша маҳалда барчага мос келадиган фанлар билан, шу жумладан, ҳали ибтидоий ҳолатда бўлган табиёт фани билан ҳам шуғулланган эдилар.

Париж профессорлари: Париж университетини таъсис этишда катта роль ўйнаган ва ўзининг «эркин фикри» билан олий мартабали черков руҳонийларининг кескин таънасига дучор бўлган Пьер Абеляр (1079-1142); Аристотелнинг ва унинг мантикий методининг самимий мухлиси, қисман теология, қисман табиий-илмий характердаги бир қанча асарлар муаллифи Альберт Буюк (1193-1280) ҳамда табиат ва жамиятни билишнинг ҳамма масалаларини черков-диний руҳда ёритган ўрта аср дунёқарашининг гуё энциклопедияси булган «Теология суммаси» номли машҳур асар муаллифи Фома Аквинский (1225-1274), ўрта аср замонларининг энг йирик схоластлари ҳисобланардилар. Фома Аквинский черков-христиан догматик таълимотини системалаштиришдан ташқари, ўша замоннинг энг муҳим иқтисодий масалаларига тўхталди, феодал доираларнинг манфаатлари билан шаҳарликларнинг манфаатларини келиштиришга ҳаракат қилди. Холбуки, XIII асрнинг иккинчи ярмида шаҳарликларнинг салмоғи анча катта эди. Табиёт масалаларига энг катта эътибор берган схоластлардан бири - инглиз олими монах Роджер Бэкон (1214-1292) бўлиб, у табиатни

тажрибавий йўсинда ўрганиш зарурлигини биринчи марта кўтариб чиққан эди. Халқаро миқёсда машҳур бўлган сўнгги энг йирик олим-схоласт Дунё Скотт (1260-1309) бўлиб, у Оксфорд ва Париж университетларида дарс берарди. Дунё Скотт эътиқод билан билим ўртасидаги, яъни дин билан фан ўртасидаги фарқ масаласини бошқа схоластларга қараганда кескинроқ қилиб қўйди. У ўзининг баъзи бир трактатларида, материя фикр қилиш қобилиятига эга бўлса ажаб эмас, деган фикр билдирди. Дунё математика билан табиийётни ўрганишга катта эътибор қилди.

XIV асрдан, хусусан XV-XVI асрлардан эътиборан схоластика орқага кетади. Табиийёт билан антик адабийётни янада ўрганиш схоластлардан ташқари борди. Схоластика теологиянинг маддохлик-догматик масалаларида узил-кесил ихтисослашиб, илмий тараққиётнинг янада олға қадам қўйишига монелик қилди ва туғилиб келаётган янги буржуазия вакиллари бўлмиш гуманистлар билан қаттиқ курашди.

2.2. Католик черковнинг дунёвий билимларга қарши кураши.

Христианлик ягона диний оқим сифатида Рим империясининг турли вилоятларига тарқала бориши жараёнида ҳар бир мамлакат шароитига ва маҳаллий анъаналарга мослашди. Рим давлатининг марказлашиш тизимининг емирила бошлаши оқибатида мустақил черковлар пайдо бўлди. Лекин масала христиан черковларининг бўлиниши билан ҳал бўлиб қолмади. Улардан баъзилари христиан руҳонийларининг халқаро йиғинлари қарорларини ва тасдиқланган ақидаларни тан олишдан бош тортдилар. V асрнинг ўрталарига келиб, халқидан умумхристиан йиғини қарорларидан норози черковлар пайдо бўлди. Бу черковлар расмий христианликка нисбатан муайян мавқега даъвогарлик қила бошлади. Христианликдаги энг йирик бўлиниш икки асосий йуналиш — православие ва католицизмнинг пайдо бўлиши ҳисобланади. Бир неча юз йилликлар давомида бу парчаланиш учун замин тайёрланди. Рим империясининг турли қисмлари ўртасидаги муносабатлар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, улар ўртасидаги рақобатли кураш парчаланишни белгилаб берди. Диний ташкилотлар

фаолияти улар мавжуд бўлган ҳудудлардаги ижтимоий ва сиёсий тизимлар билан мустаҳкам боғлиқ эди. Византиядаги марказлашган давлат ҳокимияти шарқий христианлик (православие)га ўз таъсирини кўрсатди. Черков дархол давлатнинг муҳим қисмига, император эса унинг раҳбарига айланди. Ғарбий христианлик (католицизм) эса аста-секинлик билан жамиятнинг ҳамма соҳаларига, ҳатто сиёсий соҳага ҳам ҳукмронлик қилишга интилувчи ташкилотга айлана борди. Шарқий ва ғарбий христианликнинг ўзаро фарқиға маънавий маданият ривожланишининг ўзига хослиги ҳам таъсир кўрсатди. Шарқий христианлик ўз эътиборини фалсафий муаммоларга, ғарбий христианлик эса ҳуқуқий масалаларга қаратди. Икки христианликнинг тугал айри туишши 1054 йил 16-июлда содир бўлди. Византияда черков ва дунёвий ҳокимиятнинг ўзаро муносабати масаласи санамларни эъзозлашга қарши бўлиб ўтган ижтимоий-диний ҳаракат даврида ҳал қилинди. Санамларни эъзозлаш масаласида императорларнинг расман таслим бўлишларига қарамасдан, черковнинг иқтисодий ва сиёсий мавқеи зил кетди. Патриарх императорга бутунлай қарам эди. Император черковнинг олий ҳукмдори ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида дунёвий ва диний ҳокимиятни мужассам этган эди. Ғарбда эса бу муносабатлар бошқа ҳарактерга эга бўлиб, бу ерда беқарор ижтимоий муносабатлар илдиз отган эди. Шунинг учун католик черкови дунёга мутлақ ҳукмронлик қилиш талабини илгари сурди ва буни ҳаётга татбиқ қилиш учун бир неча юз йиллар кураш олиб борди.

XII ва XIII асрларда католик черкови шу қадар юксалдики, унинг дунёвий ҳокимиятни эгаллаши учун кент имкониятлар юзага келди. Папа Григорий VII (1021-1085 йиллар; папалик даври (1073-1085) дунёвий ҳокимиятдан мустақил бўлиш истагини эмас, балки унинг устидан ҳукмронлик ўрнатиш талабини илгари сурди.¹

2. “Ғарб Фалсафаси” Тошкент, “Шарқ” 2004 йил. 208 бет

Кейинчалик бу масала папалар томонидан қулай тарихий вазият вужудга келган ҳар бир лағзада кун тартибига куйилаверди. Григорий VII ўз фаолиятида Августин таълимотига амал қилди. Унга биноан, Худо одами ердаги ҳаётдан бекиёс даражада устун туради. Диний ва дунёвий ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатни аниқлаш мадсадида табиий оламдаги асосий ёритғич Қуёш ва Ойни таққослашдан фойдаланидди.

Иннокентий III (1198—1216 йиллар) даврида папаларнинг жамиятдаги мавқеи тўғрисидаги масала энг олий даражада қайта куриб чиқилди. У «апостол Петрнинг ворислари» формуласи папаларнинг кадр-қиммати камситади, чунки Пётр буюклигига қарамасдан, барибир инсон, деб ҳисоблади. «Римнинг илк руҳонииси, — деб эътироф этади Иннокентий III, ҳақиқатдан ҳам оддий одамнинг эмас, балки Худонинг ноиби ҳисобланади. Гарчанд биз апостоллар раҳбарининг ворислари бўлсак-да, апостолларнинг ҳам, одамларнинг ҳам эмас, балки Иисус Христоснинг меросхурларимиз» . Ўрта асрлардаги мафкуравий ҳаёт диний шаклда давом этди. Фалсафа, юриспруденция, сиёсий тафаккур ва табиатшунослик, «етти эркин санъат» (*septem artes liberales*) илоҳиётга бўйсундирилган эди. Ижтимоий иқтисодий, сиёсий тизим ҳам диний таълимот нуфузи орқали муқаддаслаштирилди. Бундай шароитда ҳар қандай фикр ва ҳиссиёт, сиёсий онгнинг намоён бўлиши диний шаклда ифодаланиши лозим эди. Бу даврда кенг тарқалгани бидъатчилар таълимоти эди. Видъат мавжуд ҳукмрон диний таълимотга зид равишда вужудга келган. Кўпинча, улар черков ҳукмронлиги шароитида диний дунёқараш доирасидан четга чиқа олмадилар. Бидъатчиларга антиклерикализм руҳи хос эди. Уларда, кўпинча, пантеистик ғоялар мужассамлашган. Хатто, черковга боғлиқ; бўлмаган равишда одамнинг Худо билан кўшилиб кетиши мумкинлиги ғояси тарғиб қилинди. XIII асрнинг 30 йиллари черков ҳокимияти томонидан бидъатчиларга қарши кураш воситаси сифатида епископлик инквизицияси орқали амалга оширилган. Инквизиция ушбу епархиядаги вазиятга, епископ ва дунёвий ҳокимият қудратининг ўзаро нисбатига, маҳаллий аҳоли билан муносабатларга боғлиқ эди. Шунинг учун

бундай шароитларда бидъатчиларни бешафқат таъқиб қилиш доимий ва узлуксиз эмас эди. XIII асрнинг 30 йиллари бошларида папа Григорий IX эълон қилган бир канча ҳужжатлар орқали, марказлашган папа инквизицияси таъсис этилди («Инквизиция» сўзининг ўзи соддагина «кидирув» мазмунига эгадир). Иннокентий IV томондан 1252 йидда эълон қилинган будда «Ad extirpandas» инквизицияга ташкилий мақом берилди. Бу мақомга биноан инквизиция тергови давомида киинокка солишга расман рўхсат берилди. Дунёвий хокимиятга қарата қабул қилинган бўлла инквизиция таъкибида сабот ва катъиятни талаб қилувчи йул-йўриқлар билан тўлиб-тошган эди. Хатто, бу йўл-йўриқлар тахдидлар билан ҳам битилган.

Инквизиция трибунали фаолият кўрсата бошлаганиданок, бу ерда чақимчилик авж олиб кетди. Қурқувдан ваҳимага тушган кишилар узларининг танишлари, дуст ва кариндошларига ҳар қандай айбни тўнкай бошладилар. Шахсий ўч олиш авж олиб кетди. Одатда ҳамма маълумотлар инквизиция трибунали томонидан текширилиши лозим эди, аммо кўп ҳолларда бундай қилиш зарур бўлган ишлар ҳажмининг катталиги туфайли мумкин бўлмай қолди. Шубҳаланган кишилар қамоққа олиниб, бутун тергов давомида сиёсий маҳбуслар учун мўлжалланган турмада сақланган. Қамалган кишиларни ушлаб туриш муддати, ҳагто, белгиланмаган. Бундайлар узок йиллар мобайнида оғир шароитда ўз тақдирининг ҳал қилинишини кутиб ётган. Инквизиция суди томонидан шафқатсиз қийноқ усулларининг қўлланилиши туфайли тергов бераётган қиши ночор ахволга тушарди. Одамни жисмонан ва маънан майиб қилиш учун ишлаб чиқилган пухта тизим уни ҳар қандай айбни тан олишга мажбур қилар эди. Холдан тойган айбдор инквизиция суди талабини бажаришга мажбур бўларди. Айбдорга имзо чекиш учун баённома бериларди. Унда айбдор ҳеч қандай мажбурлаш, қўрқитиш билан эмас, балки ихтиёрий ва чин юракдан гувоҳлик берганлиги қайд этиларди.

Бидъатчилигини тан олган ва ундан воз кечган киши енгилроқ жазога сазовор бўлган. Бундай кишилар турли муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилган, мукаддас жойларга сажда қилишга, муайян маросимларни бажаришга мажбур

қилинган. Оғир ҳолатларда умрбод қамоқ ёки ўлим жазоси белгиланган. Ўлим жазоси икки усулда амалга оширилган. Агар айбдор айбини тан олса, уни буғиб улдирганлар. Мабодо бидъатчи тавбатазарру қилмаса, уни тириклайин ёқиш лозим бўлган. Баъзи ҳолатларда бу расмий маросим мураккаблашиб, айбдор секин ёниб турган оловда куйдирилган, кийночка солинган. Черков инквизицияни жорий қилиш орқали кишиларнинг ақл-заковати устидан чексиз ҳукмдорликни ўрнатишга, сиёсий ҳаётда ўз устунлигини мустаҳкамлашга, бойлигини кўпайтиришга интилди. Черков фақат бойлигини қулайтиришда муваффақиятга эришди. Иннокентий III ва Григорий IX даврида қудратининг олий чуққисига чиққан папалик юз йилга яқинроқ вақтдан кейин таназзулга юз тутди. Шу даврда Европада содир булган чуқур ижтимоий-иқтисодий жараёнлар папаликнинг таназзулга юз тутишига сабаб булди. Бу жараёнлар кейинчалик реформациягача бўлган ҳаракатларда ва реформация даврида ўзининг мафкуравий ифодасини топди.

Ўрта аср маданияти черков-диний таълимот билан ҳамбарчас борланган эди. Черков таъсири Ўрта аср маданиятининг жуда турли-туман соҳаларида: фанда, мактабда, адабиётда, санъатда акс этди.

Ўрта аср жамиятида черковнинг аҳамияти жуда катта эди. Черков Европа мамлакатларининг ҳар биттасида энг йирик ер эгаси эди. Турли королликлардаги ерларнинг деярли учдан бири черков ихтиёрида эди. Черков катта сиёсий куч эди. Руҳонийлар ўз ораларидан король амалдорлари, канцлерлар, давлат секретарлари, марказий муассасаларнинг амалдорлари ва бошқаларни етиштириб чиқардилар. Ўрта асрдаги тоифавий йиғинларда (Генерал штатлар, парламент, кортеслар ва ҳ. к. ларда) руҳонийларнинг вакиллари кўплаб қатнашарди. Лекин таълимот масаласида черков айниқса катта роль ўйнади. Черков ўз обрӯ-эътибори билан ўрта аср феодал тузумини муқаддаслаштирган бўлиб, феодал жамиятнинг диний раҳбари ҳисобланар эди.

Халқ оммаси тарбияланган ўрта аср дунёқарашининг характерли хусусиятларидан бири-диний аскетизм эди. Аскетизм таълимотида кўра, ер

юзидаги ҳаёт инсоннинг ўзи ва унинг гавдаси гуноҳ ва ёвузликнинг мужассамлашгани эмиш. Динга ишонувчи инсоннинг бурчи нариги дунёдаги, яъни охиратдаги энг аъло ҳаётга ўтиш тайёргарлиги кўриш учун ердаги азоб-укубатлардан ўз жонини аста-секин халос этишдан, инсоний «хаваслар» билан тўхтовсиз курашишдан иборат эмиш. Бунинг учун черков одамларга рўза тутиш, ибодат қилиш, чилла ўтириш ва ҳ.к. ларни тавсия этди. Тарки дунё қилиб ибодатхонага (монастирга) кетиш энг олий даражадаги жасурлик деб ҳисобланди.¹

Амалда эса аскетизм унча изчиллик билан олиб борилмади. Қутурган ва беадаб феодаллар, албатта, аскет бўлишни хатто ўйларига ҳам келтирмадилар. Руҳонийларнинг ўзлари, хусусан, уларнинг олий мартабали вакиллари, аслида дунёвий феодалларнинг турмуш тарзига эргашиб хатто ўзларининг аскетик қоидаларини ҳам қўпол равишда бузардилар. Шахарликлар ва деҳқон халқ оммаси ҳаётининг бутун алам ва кулфатига бардош бериб «осойишта» меҳнат қилиб кун кечираверган. Ўрта аср жамияти ёппасига монастирлардан иборат бўлиб, унда одамлар фақат чилла ўтирардилар ва тоат-ибодат билангина машғул бўлардилар, дейилса, албатта хато булур эди. Аммо, шунга қарамасдан, аскетизм расмий таълимот бўлиб, у черков кафедрасидан туриб тарғибот қилинарди, мактабда ёшларга ўрта аср даври адабиётининг кўпгина хилларига зарурий элемент бўлиб кирган аскетизм таълимоти уқитиларди. Турли синфларга мансуб бўлган кишиларнинг анчагинаси озми-кўпми аскетизмни ёқлаб, унинг қоидаларини баъзан жиддий равишда бажарарди. Ўрта асрлар даврида аскетизм диний ҳукмронликнинг энг яққол ифодаси эди. Бу вақтларда аниқ фанлар эндигина куртак отиб келаётган эди, ижтимоий муносабатлар эса кескин антагонистик ва крепостниклик асосига қурилган бўлиб, халқ оммаси доимо азоб укубат чекар, лом-мим деб овоз чиқармас, ваҳимада кун кечирар ва охиратдаги жаннат-арш аъло ҳақида ҳаёл сураар эди.

В.Ф.Семёнов “Ўрта асрлар тарихи” Т.,1973 йил. 177 бет

Бирок ўрта аср дунёқарашига черковниаг таъсири ҳамиша бирдек кучли эмас эди. Илк Ўрта аср даврида-тахминан XI асрнинг иккинчи ярмигача ўрта аср жамиятига ғоявий раҳбарлик энг кўп черков монополиясида бўлди. Сўнгра, XII-XIII асрларда черков ғоявий раҳбарликни расман ўз қўлида тутиб турган ва хатто уни айрим ҳолатларда кучайтирган бўлсада аммо айнаи замонда, бу даврда Европадаги черковдан ташқари ва то қисман унга қарши ҳам маданият ривожланди. Шаҳар бюргерлари адабиётининг, унинг антифеодал ва реалистик тенденцияларининг таркиб топиши ва руҳонийларга кескин хужумлар қилиши жамиятни черковнинг идеологик васийлигидан озод қилиш бобида бошланиб кетган жараёни яққол кўрсатди.

XIV-XVI асрларда Европада Уйғоииш даврининг янги маданияти ёки гуманизм олий даражага эришди. Бу маданият очик ифодаланган дунёвий маданият эди. Гуманистларнинг кўпчилиги черков-диний масалаларга бутунлай бепарволик билан қарарди. Гуманистларнинг майдонга келиши кейинги ўрта аср даврида Европа жамиятидаги энг пешқадам табақаларга черковнинг таъсири йўқолганлигидан дарак берарди.

2.3. Рожер Бекон, Жордано Бруно, Николай Коперник фаолияти.

Роджер Бэкон (1214-1292) қомусий билимга эга бўлган олим ва файласуф сифатида танилди. У ўз давридаги фан ва фалсафага доир араб ва юнон тилидаги манбаларни чуқур ўзлаштирди. Бэкон Оксфорд университетида ўқиди, Роберт Гросетестнинг шогирди бўлди. Сўнгра магистрлик даражасини олиб, 1236-1247 йилларда Париж университетида дарс берди. Бэкон 1256 йилда францискан орденига кирди. Уни қомусий билимлари учун «Ажойиб доктор», деб атаганлар. Бэкон математика, физика каби табиий фанларга Кўпроқ қизиққанлиги учун, дунёқараши асосан илмий-табиий ғоялар ва тасаввурлар таъсирида шаклланган. Роджер Бэкон табиий-илмий тажрибалар ўтказиб турарди. Кўп жойларда Бэкон тажрибалар ўтказганда, сеҳргарлик билан шуғулланаяпти, деган шубҳа билан францискан ордени

рахбари Бонавентура 1257 йидда уни ўз назорати остига олади ва асарларини тақиқлайди. Шу вақт папанинг Англиядаги элчиси Ги де Фульк Бэконга ўз илохий-фалсафий қарашларини ифодалаб, асар ёзиб беришини сўрайди. Қисқа вақт ичида Бэкон уч қисмдан иборат «Катта асар» китобини ёзиб, тугатади. Асар ижобий баҳоланиб, Бэконга илмий ва фалсафий тадқиқотлар олиб боришга руҳсат берилади.

Файласуф 1271 йилда ёзган «Фалсафий мажмуа» асарида рухонийларнинг жаҳолатпарастлигини танқид қилди. Шу боис, францискан ордени бошлиғи Асколи буйруғи билан Бэконни хибсга оладилар ва 14 йил қамоқхонада сақлайдилар. У 1292 йилда озод этилади ва кўп вақт ўтмай вафот этади.¹

Мутафаккирнинг «Катта асар», «Кичик асар», «Учинчи асар», «Фалсафа мажмуаси» ва бошқа рисолалари унинг меросини ташкил қилади.²

Билим инсон ҳаётини яхшилаш, қудратини юксалтириш учун керак, дейди Бэкон. Санъат ва табиатнинг сирлари, магиянинг қабихлиги ҳақидаги рисоласида у ўзининг башоратомуз орзуларини баён этади. У бир киши бошқарадиган эшқаксиз кема, отсиз тез юрадиган арава, учувчи аппаратлар ҳақида ёзади. «Катта асар» китобида қуёш нуруни тўплаб, ўз йўлида учраган нарсани ёқиб юборадиган ойнани яратиш имкониятини берадиган амалий астрономия ҳақида фикр юритади. Бундай ихтиролар, дейди Бэкон, давлат қудрати учун катта аҳамиятга эга. Лекин уларни амалга ошириш учун тажрибага асосланган билим керак. Бундай билимни олиш йўлида эса тўртта ғов турибди. Уларнинг биринчиси ҳар қандай нуфузга (авторитетга) эргашавериш кайфиятига, иккинчиси урф-одатларнинг салбий таъсирига, учинчиси омманинг нодонлигига, тўртинчиси донишмандлик ниқобини кийган нодонликка алоқадордир. Ушбу тўрт иллат ҳар қандай бахтсизликнинг сабабидир.

1. «Ғарб Фалсафаси» Тошкент, «Шарқ» 2004 йил. 246 бет

2. В.Ф.Семёнов «Ўрта асрлар тарихи» Т.,1973 йил. 376 бет

Мутафаккир фикрига кўра билишнинг 3 хил усули бор: нуфуз (илохиёт усули), мулохаза ва тажриба. Нуфуз мулохазага, мулохаза эса тажрибага таянади. Билиш ва тажрибанинг ўзаро муносабати, билишнинг вазифаси ва мақсадини тушунтиришда Бэкон схоластларга эмас, балки Форобий, Ибн Сино каби мусулмон мутафаккирларига яқин турган. У фалсафа ва бошқа фанларни яхлит бир тизимга айлантиришга ҳаракат кидди. Физика таркибига Бэкон оптика, астрономия, алхимия, тиббиёт, техник илмларни киритган. Геометрия, арифметика, астрономия ва мусика фанларига амалий илмлар - астрология, мухандислик санъати таянади. Математикани Бэкон инсон ақлининг туғма хислати, «табiiй» мантиқ сифатида схоластик мантикка қарама-қарши қўяди. Илохиёт вахий, инсоннинг ички ғайришуурий тажрибасини баён этувчи илмдир. Ушбу илм фалсафа билан биргаликда фаолият кўрсатмоғи ва Инжилдаги вахийларнинг асл маъносини аниқламоғи лозим. Роджер Бэкон ўрта асрлар фалсафасида илк бор авторитетга эмас, ақл ва хис-туйғулар ёрдамида тўпланган тажрибага ишониш зарурлиги ҳақида фикр юритди. Шу жиҳатдан, унинг асарлари фалсафий фикрлар тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Машҳур итальян файласуфи Жордано Бруно 1548 йидда Неаполь яқинидаги Ноладада таваллуд топди. 1566-1575 йилларда монастир хузуридаги мактабда ўқиди. Кейинчалик фалсафа фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди. Ўқишни тугатгандан Сўнг монастирда ишлади. Ўзининг диндорлик фаолиятидан қониқиш ҳосил қилмагач, монастирни тарк этди ва черковга қарши чиқишлар қилди. Католик черковининг таъқибидан сўнг Италиядан кетишга мажбур бўлди. Бир неча йил уз умрини мусофирликда, сарсону саргардонликда Швейцария, Франция, Англия ва Германияда ўтказди. Ўша мамлакатларнинг университетларида маърузалар ўқиди. Ўрта аср схоластикасини тинимсиз танқид қилди. Сарсону саргардонликда юрган кезларида бир неча асарлар ёзди.

1582 йилда ўзининг биринчи фалсафий «Ғояларнинг сояси ҳақида»ги асарини ёзди. 1584 йилда «Куқун устидаги базм», «Ибтидо ва бирлик, сабаб ҳақида», «Коинот ва олам, чекланмаганлик ҳақида», «Тантана қилган ҳайвоннинг қувилиши», 1585 йилда «Печаснинг сири, Килен эшагининг иловаси билан», 1591 йилда «Уч қаррали ўлчов ва меъёр ҳақида», «Монада, сон ва фигура ҳақида», «Сон-саноксизлик ва ўлчовсизлик ҳақида» номли асарларини ёзди.¹

Жордано Бруно 1592 йилда Италияга қайтади. Ўша йили ҳукмрон черков қоидаларига ҳилоф ишлар қилгани учун Венеция инквизициясининг кўргазмасига мувофиқ қамоққа олинади. Мутафаккир етти йилдан ортиқроқ умрини инквизиция қамоқхоналарида ўтказди. Қамовхоналарда ундан ўзининг фалсафий, илмий-табиий ғояларини рад этишни, ёлғон дейишни талаб қилдилар. Лекин Бруно ўзининг фалсафий эътиқодидан воз кечмади. У 1600 йилнинг 17 феввалида тириклайин оловда қуйдирилади.

Жордано Брунонинг фалсафий қарашлари Ренессанс диалектикасининг асосчиси кузалик Николай ва Ренессанс даври Европа фалсафасига сезиларли таъсир ўтказган италиялик таниқли файласуф Бернардино Телезио таълимотлари асосида шаклланди. Шунингдек, Бруно табиий-илмий қарашларининг шаклланишида Николай Коперник астрономик кашфиётларининг таъсири беқиёс бўлди.

Бруно Коинот ва табиат чексиз-чегарасиз, унинг на боши, на охири бор, деган фикр-мулоҳазаларини исботлаш учун Худо чексиз қудратга эга, шунинг учун ҳам у ҳеч қачон чегараси ва охири бор нарсаларни яратмайди, деган далилдан ўринли фойдаланди. Лекин Коинот ва табиатнинг чексизлигини исботлаш учун келтирилган энг муҳим далил,

1. Сулаймонова Ф. «Шарқ ва Ғарб» Т., 1997 йил 314 бет

Брунонинг тушунтиришича, илохий кудрат эмас, балки ўша замон астрономия ва физикасида қилинган энг янги кашфиётлардир, биринчи навбатда кузалик Николай ва Николай Коперник таълимотидир.

Бруно Коинотда мавжуд бўлган турли сайёралар, хатто, осмон ёритгичлари орасида ҳам ўзаро алоқадорлик ва таъсир борлигини исботлаб беришга уринди. Коперник қарашларини давом эттириб, ҳар қандай осмон ёритгичини ўзича алоҳида бир мутлақ марказ дейиш мумкин. Бу марказ ҳамма жойда бўлиши ҳам, ўз навбатида ҳеч қаерда бўлмаслиги ҳам мумкин. Коинот чексиз-чегарасиз бўлганидек, унинг турли оламлари ҳам чексиз-чегарасиздир, деб таъкидлайди мутафаккир. Ўзи яратган моддий ва маънавий субстанциянинг бирлиги тўғрисидаги таълимотга суяниб, Бруно шундай хулосага келадики, сон-саноксиз дунёларга ички ҳаракат бериб турган манба вазифасини илохий кудрат эмас, балки универсал дунёвий жон бажаради.

Жордано Бруно Ренессанс даври анъаналарини давом эттириб, билиш жараёнида ҳар қандай обру-эътиборга сажда қилишга, уни мутлаклаштиришга қарши чиқди. Унинг фикрига кўра, билиш жараёнида бировларнинг аклига таяниб фикр юритиш ўта пасткашлик, бу борада турли анъаналарга суяниш ҳам ўта гумрохлик, шунингдек, аллақандай алломанинг фикрини қўллаб-қувватлаш ҳам бемаънилиқдир. Брунонинг эътироф этишича, билишнинг мақсади маъдум даражадаги билимлар бирлигини таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим. Билимлар бирлигини таъминлаш универсумнинг чегарасизлигини билишга олиб келади.

Бруно турли баҳс-мунозараларига сабаб бўлган ҳақиқат муаммоси ҳақида ҳам кўп бош қотиради. Унинг тушунтиришича, ҳақиқатни аниқлаш жараёни секинлик билан амалга ошади. Ушбу жараёнда инсоннинг хистуйгулари, идроки, фахм-фаросати, фикр-мулохазалари иштирок этади.

Баъзи асарларида Бруно билишнинг ақл боскичи борлигини ҳам эслатиб ўтади. Унинг эътироф этишича, ўша ақл ёрдамида оламнинг бирлигини, оламдаги воқеа ва ҳодисаларда қарама-қарши томонлар борлигини, қарама-

қаршиликлар орасида бирлик мавжудлигини, уларнинг чегарасиз эканлигини билиш мумкин, деган хулосага келади. Шундай қилиб, Жордано Бруно ҳақиқатга эришишнинг энг асосий манбаи ақл-дир, дейди. Лекин у турли экспериментлар ёрдамида олинган билимларнинг билиш жараёнидаги аҳамиятига етарли баҳо бермайди.

Бруно таълимоти янги типдаги дунёқараш сари босилган катта қадам, янги замон қиёфасини олдиндан тасаввур қилишнинг ёрқин намунаси эди. Унинг муросасиз, курашларга тўла ҳаёти афсонага айланиб қолди. Унинг ҳаёт йўли ўзи орзу қилган «қахрамонона энтузиазм», ҳаётда фаол мавқеда туришнинг ёрқин намунаси эди. Ҳеч нарсадан қўрқмайдиган ва илохий муҳаббатдан бошқача ҳузур-халоват оладиган ва ўзининг ҳаёти ҳақида мутлақо ўйламайдиган энтузиазм эди.¹

Буюк поляк мутафаккири ва астрономи Николай Коперник 1473 йилнинг 19 феврилида туғилди. 1491-1495 йилларда Краков университетида таҳсил олди. Ўша йиллари университетда гуманизм ғоялари улуғланар, тарғиб ва ташвиқ этиларди. Шунинг билан бир қаторда университетда астрономия ва математика мактаблари шаклланган эдики, Николай Коперник бўлар таъсирида ўз илмий интилиш ва қизиқишлари доирасини кенгайтиради. 1495 йилда маълумотини ошириш мақсадида Н. Коперник Италияга йўл олади. 1495-1504 йилларда у Болонья, Падуя, Феррари университетларида астрономия, фалсафа, тиббиёт ва ҳуқуқ фанларига доир билимларни пухта эгаллайди, қадимги юнон тилини ўрганади. 1504 йилда Коперник Польшага қайтади ва Вармия вилоятида черков ходими сифатида фаолият кўрсата бошлайди. Бироқ черков хизмати унга тирикчилик манбаи сифатидагина керак эди, холос. Унинг бутун фикру ҳаёли астрономия борасидаги илмий-тадқиқот ишлари билан банд бўлади. Узок йиллар давомида вилоятнинг маъмурий ва молиявий ишлари билан шуғулланишига қарамасдан, у ўз тадқиқотларини бир дақиқа ҳам тарк этмайди.

2. “Ғарб Фалсафаси” Тошкент, “Шарқ” 2004 йил. 307 бет

Мазкур илмий-тадқиқотларга бўлган зарурият ортиб бораётгани кузалик Николай давридаёқ маълум бўлганди. Хусусан, денгиз саёҳатининг ривожланиб бориши ва умумсайёравий характер касб этиши аниқ мўлжалларни ишлаб чиқишни талаб қиларди. Бундан ташқари Юлий Цезарь даврида жорий этилган ва бир ярим минг йил давомида ислоҳ қилинмаган календарь қатор ноаниқликларни юзага келтираётган эди. Энг муҳими, мазкур календарь христиан байрамларини нишонлашнинг даврийлигини таъминлай олмай қолганди. Нихоят, Аристотель - Птоломейнинг геоцентрик қарашларига зид бўлган фактлар кўпайиб бормоқда эди. Дарвоқе, денгиз саёҳати ва календарнинг методологик асослари геоцентризмга асослангани янги талабларга жавоб бермай қўйганди. Ана шу муаммоларга жавоб тариқасида Николай Коперник 1505-1507 йилларда «Кичик изоҳ» рисоласини ёзади. Бироқ рисолада келтирилган мулоҳазалар ҳали математика ёрдамида асослаб берилмаган эди.

Николай Коперник ўзининг ҳар томонлама асосланган умумлаштирилган ва системалаштирилган мулоҳазаларини умрининг сўнгги йилидагина «Самовий сфералар айланиши» номли шоҳ асарида баён этади. Ушбу мулоҳазалар оламнинг гелиоцентрик системаси асосини ташкил этди.¹

Асарнинг марказий ғояси қуйидагича: биринчидан, Ер оламнинг ўзгармас ва ҳаракатсиз маркази эмас, негаки у ўз ўқи атрофида айланиб туради; иккинчидан, Ер оламнинг марказида турган қуёш атрофидан айланади. Ер ўз ўқи атрофида айланиб тургани боис кун ва тун алмашинади. Шунингдек, осмондаги биз кўриб турган юлдузларнинг ҳолати ўзгаргандек туюлади (аслида биз уларни турли нукталардан кузатаётган бўламиз, холос). Ер қуёш атрофида айланиб тургани учун қуёш бошқа юлдузларга нисбатан ўз ўрнини ўзгартиргандек (яъни, ҳаракатлангандек), сайёралар эса халқасимон ҳаракатланаётгандек кўринади. Биз сайёралар ҳаракатини оламнинг

2. “Ғарб Фалсафаси” Тошкент, “Шарқ” 2004 йил. 299 бет

марказида турган куёшдан эмас, унинг атрофидан айланиб турган ердан кузатаётганимиз учун ҳам бу ҳаракат халқасимон шаклда юз бераётгандек гуё. Ер атрофида эса фақат унинг йўлдоши ой айланади, деб хулоса қилади мутафаккир.

Хусусан, ўз асарининг биринчи китоби учинчи бобида Коперник Ернинг шакли ҳақида фикр юритар экан, Қадимги Юнонистоннинг илк «физиологлари» тахмин этган барча шакллари, фигуралари тилга олади. Ер шакли ҳақидаги Анаксимандрдан тортиб, Демокритга қадар барча файласуфларнинг хулосаларини таҳлил этиш интихосида Коперник: «Ер думалокдир», - деган хулосага келади. Вахоланки, антик файласуфлар бу фикрни аллақачонлар илгари суриб бўлган эдилар. Антик файласуфларнинг бошқа ғоялари ҳам Коперник назариясидан четда қолмади. Хусусан, Платон ва неоплатончиларнинг олам руҳи ғоясини гелиоцентризм асосида қайта ишлаган мутафаккир олам руҳи, деганда куёшни тушунмоқ лозим, деб уқдирди. Дарвоқе, Коперникнинг куёшга берган таърифи ҳам неоплатонизм қабилида изҳор этилади. «Барча орбиталарнинг марказида куёш туради: зеро, мазкур ҳашаматли масканда бу машъалани бутун борлиқни ёритиш имконини берадиган энг қулай нуктадан бошқа жойда жойлаштириш мумкинми?» - деб ёзади у.¹

Коперникнинг мулоҳазаларига кўра, Коинот миқёсида фикрланганда Ернинг катталиги нихоятда кичкина, Ердан ҳаракатланмас юлдузларга қадар бўлган масофа ғоятда катта, лекин мазкур юлдузлар сфераси оламнинг нихояси, чек-чегарасини ташкил этади. Кўриниб турибдики, Коперник оламнинг нихоялилиги ҳақидаги Аристотель илгари сурган ғояни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, мутафаккир ўз таълимотида Птолемей астрономиясидаги сайёраларнинг доирасимон ҳаракати ҳақидаги қарашларни ҳам сақлаб қолади. Бироқ Коперник замонаси хали сайёраларнинг ҳаракати ҳақида бунданда аниқроқ маълумотларни баён этишга тайёр бўлмаганини ҳам назарда тутишимиз лозим.

Коперникнинг Ер ҳақидаги мулохазалари ҳам унинг гелиоцентрик қарашларидан келиб чиқади. Оламнинг марказига қуёшни қўйиб, Ерни барча сайёралар қаторида унинг атрофида айланишга «мажбур этар» экан, Коперник Ер ҳам ҳамма сайёраларга хос бўлган қонун ва қонуниятга бўйсунди, деган хулосага келади. Коперник космологиясининг бундай радикал тенденцияси анъанавий христиан дунёқараши учун беқиёс хавф туғдирди. Чунки, Коперникнинг юқорида баён этилган хулосаси христианликнинг асосий қоидаларини пучга чиқарар, шубҳа остига қўяр эди. Бироқ Коперник гелиоцентризмнинг христиан дунёқараши учун хавфли бўлган оқибатлари бирдан эмас, кейинроқ, аста-секинлик билан англаб етилди. Николай Коперник зукко ақл сохиби бўлгани боис боши узра қора булутлар тўпланажагини яхши билар эди. Шу сабабдан у ўша давр қоидаларига амал қилган ҳолда ўз китобининг кириш қисмида Рим папаси Павел III га бағишлов ёзди. Унда мутафаккир ўз хулосалари билан умумэътироф этган геоцентрик қарашлар ўртасида жиддий зиддиятлар борлигини тан олди. Бироқ деб уқдирди Коперник, ушбу таълимот асосида янги календарь яратиш мумкинки, бу календарь черков байрамлари ва тадбирларини нишонлашнинг даврийлигини таъминлаш имконини беради. Мутафаккирнинг башорати роппа-роса 40 йил ўтгач, руёбга чиқди: 1582 йилда Рим папаси Григорий XIII даврида календарь ислоҳоти ўтказилди ва Коперник таълимотига асосланган янги йил ҳисоби жорий этилди.

Коперник таълимотининг немис астрономи Иоганн Кеплер ва итальян файласуфи Жордано Бруно томонидан ривожлантирилиши унинг христиан дунёқарашига нақадар зид эканлигини намоён қилди. Натижада, 1616 йили мутафаккирнинг шоҳ асари тақиб этилган китоблар сирасига киритилди ва икки асрдан кўпроқ вақт (1822 йилга қадар) назардан четда тутилди. Бироқ бундан қатъи назар Коперник ғоялари олам ҳақидаги янги қарашларнинг шаклланишида назарий-методологик асос вазифасини ўтади.

Хулоса

Инсон яратилибдики, халқлар ҳеч қачон бир-биридан ажраган, ўз қобилигига беркинган ҳолда яшаган эмаслар. Инсоният эришган ҳаётнинг турли томонларидаги улкан ғалабалар фақат ҳамкорлик, бошқа халқлар ютуқларидан фойдаланиш, илғорларга етиб олиш ва ўзиб кетишга интилишнинг маҳсулидир. Бу уринда Ғарб халқларининг бобокалонлари илк ўрта асрларда халқларнинг буюк силжиши жараёнида Шарқдан кетганлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Шарқ халқлари, жумладан, Мовароуннаҳр халқлари тарихида бундай қитъа миқёсидаги ўзгаришлар бўлмаган. Тўғри, минтақамизнинг жуғрофий жойлашиши, кўчманчи халқларнинг шарқи-шимолий ўлкалардан тез-тез босиб келиши тараққиёт жараёнини маълум даражада секинлаштирган, аммо бир неча асрга тўхтатган эмас.

Минтақамизнинг араблар томонидан босиб олиниши иқтисодий, сиёсий, ижтимоий қадар дастлаб бир қанча қийинчиликларга олиб келган бўлсада, кўп фурсат ўтмай, Ғарбда Испаниядан Шарқда то Хитой чегараларигача бўлган минтақани ўз ичига олган буюк давлат, Халифаликнинг бир қисми бўлганлигининг ижобий томонлари майда давлатлар ўртасидаги низоларнинг бартараф этилиши, умумжаҳон савдо алоқасида иштирок этиш, умумий пул алоқаси, ислом дунёсидаги халқлар билан тенг ҳуқуқли сифатида иқтисодий, маданий алоқада бўлиш, ислом таълимотига ҳос ижобий хусусиятларни ўзлаштириш қабила иқтисодий, ижтимоий тараққиётнинг юқори даражага кўтарилишига олиб келди.

Марказий Осиё, жумладан Мовароуннаҳр ҳудудида IX-X асрлардан XII аср охиригача қадар дунёвий-диний билимларнинг ривожини, бир ҳисобда, ўша вақтларда бутун ислом оламида ҳукм сурган хилма-хил қарашларнинг вужудга келганлиги сабабли юзага келган мунозара-тортишувлар натижасининг ҳосиласидир, деса бўлади. Дарҳақиқат, қадимий мунозараларда илм-фан ривожланади, деганлари тўғридир.

XIII аср биринчи чорагида юз берган Чингизхон босқини илм-фан ривожланишини деярли тўхтатди. XIV аср охирларидан бошлаб эса соҳибқирон Амир Темурнинг саъи ҳаракати натижасида марказлашган давлат қурилгач, айниқса дунёвий билимларга бўлган эҳтиёж туфайли илм-фан қайтадан ривожлана боради. Охирги темурийлар даврида, асосан Хазрати Хожа Ахрорнинг хизматлари туфайли (дунёвий билимларга нисбатан) тасаввуфий билимлар биринчи даражага чиқиб олади. Натижада Самарканд яна илм марказига, энди, рухий - тасаввуфий билим марказига айланади. Шайбонийлар, аштархонийлар ва манғитлар даврида мадрасалар қурилишига катта эътибор беришган бўлсалар-да, илм-фан аввалги каби ривожланмади.

Илк Ўрта аср даврида-тахминан XI асрнинг иккинчи ярмигача ўрта аср жамиятига ғоявий раҳбарлик энг кўп черков монополиясида бўлди. Сўнгра, XII-XIII асрларда черков ғоявий раҳбарликни расман ўз қўлида тутиб турган ва хатто уни айрим ҳолатларда кучайтирган бўлсада аммо айнаи замонда, бу даврда Европадаги черковдан ташқари ва то қисман унга қарши ҳам маданият ривожланди. Шаҳар бюргерлари адабиётининг, унинг антифеодал ва реалистик тепденцияларининг таркиб топиши ва руҳонийларга кескин ҳужумлар қилиши жамиятни черковнинг идеологик васийлигидан озод қилиш бобида бошланиб кетган жараёни яққол кўрсатди.

XIV-XVI асрларда Европада Уйғониш даврининг янги маданияти ёки гуманизм олий даражага эришди. Бу маданият очик ифодаланган дунёвий маданият эди. Гуманистларнинг кўпчилиги черков-диний масалаларга бутунлай бепарволик билан қарарди. Гуманистларнинг майдонга келиши кейинги ўрта аср даврида Европа жамиятидаги энг пешқадам табақаларга черковнинг таъсири йўқолганлигидан дарак берарди.

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Танланган асарлар тўплами. Т., 1999.
2. Каримов И.А. Авлодларнинг баркамол ривож-Ўзбекистон тараққиётининг асосида. Т., 1997.
3. Каримов И.А. Фаннинг вазифаси – Ватаннинг гуллаб яшнашига хизмат қилиш. Т., 1994.
4. Каримов И.А. Мафкура – бу миллат, жамият ва давлатни бирлаштирувчи байроқ. Т., 1998.
5. Каримов И.А. Фан мамлакат тараққиётига хизмат қилиши керак. Т., 1994.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари кафолатлари. Т., 1997.
7. И.А.Каримов. “Илм-маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди”. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигида сўзлаган нутқидан.
8. Норматов К, Холмуродов А. “Қайта тузилган илм даргоҳи” “Халқ сўзи”. 2006 йил 32-сон.
9. “Антик дунё” илмий – услубий журнал. 2009 йил. 1- сон.
10. Хайруллаев М. “Уйғониш даври ва шарқ мутафаккири”. Т., 1971 йил
11. “Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат ” мақолалар тўплами. Т., 1996 йил
12. Абдуқодир Зохирий “Ўрта аср араб ва мусулмон маданияти” Т., 1993 йил
13. Комилхон Каттаев “Самарқанд мадрасалари ва илму фан ривожини” Самарқанд 2003 й 10-б.
14. В.Ф.Семёнов “Ўрта асрлар тарихи” Т., 1973 йил.
15. Сулаймонова Ф. “Шарқ ва Ғарб” Т., 1997 йил
16. “Ғарб Фалсафаси” Тошкент, “Шарқ” 2004 йил.
17. Захидий А. Туркистонда ўрта аср араб-мусулмон маданияти. Т., 1993.
18. Имом ал-Бухорий ва унинг Дунё маданиятида тутган ўрни мавзусидаги халқаро конференция материаллари. Самарқанд, 1998.
19. Қодиров А. Ўрта Осиёда медицинанинг пайдо бўлиши. Т., 1990.
20. Мозийдан таралган зиё. Имом ал-Бухорий. Т., 1998.